

*Жобир Наврӯз*

---

ЎЗ ДУНЁМ БОР



*Мобин Навруз*

---

**ЎЗ ДУНЁМ БОР**

*Шеърлар*

*Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1979*

С  
Н 14

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 (тарж.)

## АССАЛОМ, ЎЗБЕК ДУСТЛАРИМ!

Қадим тарихга, бой маданиятга, улкан адабиётга, қудратли, бадавлат заминга, такрорланмас табиатга эга бўлган Ўзбекистонни юракдан севаман... Ҳамиша меҳрибон Тошкентда бўлганимда, гуллаб-яшнаган Самарқанд, Бухорони кўрганимда, ўзбек биродарларим ва сингилларимнинг қўлларини сиққанимда, булоқ сувидек мусаффо, нозик ўзбек тилини, ўзбек куйларини, ўзбек шеърятини тинглаганимда ўзимни Бокуда, Озарбайжонда юргандек ҳис этаман. Халқларимизни қадимий, мустаҳкам, узилмас дўстлик ришталари бойлайди. Ана шу узилмас иплардан бири — шеърятимиздир.

Ўзбек тилида шеърлар китобим нашр этилаётганидан фахрланаман. Қадимги, қудратли бир тилга таржима этилганимдан бахтиёрман. Демак, мен талабчан, шеърсевар, юксак маданиятли ўзбек китобхонлари қаршисида илк маротаба имтиҳон бераётиман. Шубҳасиз, бу ўта масъулиятли, беҳад қийин синов. Мен бу имтиҳондан қандай ўтишимни билмайман. Қалб ҳаяжонлари билан йўғрилган сатрларимни — фарзандларимни ўзбек китобхони имтиҳонига йўллаяпман. Ҳаёт, инсонлар, дунё, кеча, бугун, эрта, жонажон Озарбайжоним ҳақидаги қўшиқларим уларнинг юрагидан жой олишини истардим.

Ўзим ҳақимда, шеърларим хусусида нима ҳам деяр эдим... Бизнинг элда ҳикматли мақол бор: ҳар кимнинг шахсияти, маънавий олами унинг асаридан маълум... Дарҳақиқат шундай... Менинг бутун ҳаётим, таржимаи ҳолим, толеим, севгим, нафратим, ҳиссиётим, ҳаёт иде-

лим, фазилатим, қусурим, нимаики бўлса шеърларим-дадир. Сиз уларни диққат билан ўқисангиз, менинг кимлигимни биласиз.

Озарбайжоннинг баланд тоғлар билан ўралган чекка қишлоғида саводсиз деҳқон оиласида туғилдим... Дунёда илк дафъа эшитганим энг муқаддас, энг сеҳрли овоз булоқларнинг шилдир-шилдири, гала-гала қушларнинг чуғур-чуғури бўлди. Болалигимда онам мени белига боғлаб, елкасига кўза олиб, булоқ бошига сув келтиргани олиб борарди. Булоқларнинг куйига, қушларнинг қўшиғига илк марта ўша ерда қулоқ тутганман. О, сеҳрли ўша оҳанглар, ҳамон мени мафтун этадилар. Дунёда илк дафъа кўрган манзарам қишлоғимни ўраб олган тоғларнинг ҳайбатли чўққилари, тик қоялар, кўзни қувонтирадиган ям-яшил ўрмонлар, сирли даралар бўлди. Уч-тўрт ёшга кириб юра бошлаган бўлсам-да, отамнинг ўрмон эманларидан тайёрлаган беланчагида ётишни жуда севардим... Баҳор, ёз чоғлари онам ўша беланчакни уйимизнинг олдидаги катта эман дарахтига осар ва мени унга ётқизарди. Йиқилмасин, деб мени ип билан қаттиқ боғларди. Қарангки, беланчада соатлаб мен ўша тоғларга, ўрмонларга, доvonларга, нур ва сояларга, қишлоғимиз уфқлари ортидан яллиғланиб чиқаётган қўшга боқардим. Болалигим қушларнинг, ёшлигим йилларнинг кетида ўтиб кетди. Лекин қишлоғимизнинг ўта ажиб табиати, онамнинг уйимиз олдидаги эман дарахтига осган беланчаги ҳамон мени мафтун этади.

Дунёда мен тинглаган илк шеърлар — онамнинг аллалари, бувимнинг менга айтиб берган баётилари, топшимоқлари, мақоллари, ҳикматли сўзлари, марсиялари бўлди. Мен шоир, шеър китоби, шеър ёзиш нима эканини у вақт ҳеч хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Энди юзларча шеър китобларини мутолаа этсам ҳам, ўнлаб шоирлардан гўзал шеърлар эшитсам ҳам, бизнинг қудратли совет поэзиясини қайта-қайта ўқисам

ҳам, дунё адабиёти сирларидан воқиф бўлсам ҳам онамдан, бувимдан эшитган ўша аллалар, марсиялар, баётилар, топишмоқлар, ҳикматлар ҳамон мени мафтун этади.

Дунёда энг кўп севганим, интилганим, сиғинганим қишлоғимиз одамлари — сувчилар, чўпонлар, ер ҳайдовчилар, ариқ қазувчилар, ўроқчилар, тракторчилар, ўрмончилар... Тўйларда соз чалиб қўшиқ айтадиган бахшилар, сочлари оқ, нуроний аёллар, оддийгина бир сўздан олмадек қизариб ёнадиган ҳуркак қизлар, шўх, шум болалар эди. Мен қишлоғимиз кишиларини эслаб ўтиришни яхши кўраман. Энди уларнинг кўплари ҳаётдан кўз юмиб кетишган. Баъзилари Ватан урушидан қайтмади. Лекин улар менинг фикримда, хаёлимда, қалбимда ҳамиша барҳаётдирлар. Улар камтарин, заҳматкаш, тупроқ тилини биладиган, бир сўзли, дўстга садоқатли, душманга аёвсиз эдилар. Улар ҳеч қачон узундан-узоқ нутқлар сўзламас, камсуқум, муҳаббат ва нафратларини сукут билан ифодалар эдилар. Кейинроқ мен улғайдим, қишлоғимизнинг кичик сўқмоқларидан катта йўлларга чиқдим, жонажон Озарбайжоннинг ҳар қарич ерини кездим, буюк СССРни кездим, дунёнинг кўп ўлкаларида сайр қилдим, мингларча хайрихоҳ одамларга дуч келдим, анчагина разил кишилар билан тўқнашдим. Лекин қаерда бўлмайин, кимлар билан кўришмайин мени ҳамиша тоғлар орасида жойлашган кичик қишлоғимиз, унинг одамлари мафтун этадилар.

Ҳа, шеърларимнинг ришталари қишлоғим билан боғлиқ. Илк бор ўша қишлоқда, ўша одамлар орасида, ўша табиат қаршисида шеър ўқидим. Илк мисрамни, илк шеърларимни қачон ёзганим, тўғрироғи, қачон ўқиганим ёдимда эмас... Чунки мен у илк сатрларни айтганимда шеърларнинг қоғозга кўчирилишини, машинкадан чиқарилишини, инжиқ ва заҳматкаш муҳаррирлар қўлидан ўтишини, миллионлаб ўқувчиларнинг мулки бўлишини хаёлимга келтирмаган ҳам эдим. Мен шеър

бадиҳа тарзида айтилади, қўшиқ бўлади, сўнг биров айтади, биров эшитади деб ўйлардим... Лекин поэзияга муҳаббат, шеърга мажнунона ошиқлик мени жуда улкан, жуда масъулиятли, жуда қийин йўлларга олиб келди. Мен ҳақиқий шоир, эл қалбининг таржимони бўлиш осон иш эмаслигини ҳис қилдим. Бу сўзнинг асл маъносига буюк шараф ва жаҳаннам азоби яширинган. Поэзияга муҳаббат мени Озарбайжоннинг қадимий шеър уммонига отди, совет шеърятининг буюк манбаларига олиб борди, менда дунё адабиётига севги уйғотди. Поэзияга муҳаббат, шеърга мажнунона ошиқлик мени мамлакатимизнинг ягона адабиёт дарсхонаси бўлган Москванинг Горький номидаги адабиёт институтига олиб келди. Мен шу институтда ўқиган пайтларимда кўп нарса ўргандим.

Мана, йигирма беш йилга яқиндирки, шеърнинг баланд-паст йўлларидан одимлаяпман. Муваффақиятларим ҳам бор, кашфларим, яхши шеърларим ҳам бор, жўн асарлар ҳам ёздим. Сукут сақлаган чоғларим ҳам, бор овозим билан куйлаган дамларим ҳам бўлган. Лекин ҳеч вақт ўзимдан-ўзим мамнун бўлмадим. Ҳеч вақт муваффақиятимдан мағрурланмадим, нуқсонларимдан тушқунликка тушмадим. Ҳамиша олдинга талпиндим, янада яхши шеърлар ёзишга интилдим, жўшқинликка, илҳомли ижодга берилдим. Зайф ёзганларим бор. Лекин беҳис, лоқайд қўлга қалам олмаганман.

Ёзмаган кунларим бўлган, лекин шеърсиз кечган онларим ҳеч бўлмаган.

Энди, ҳурматли ўзбек дўстларим, сизга меҳмон бўлиб келдим. Шеър дастурхонимни сизга очмоқчиман. Нима бўлса сизнинг ҳузурингизда. Бизнинг элда: борини берган уялмайди, деган мақол бор. Мен бу мулоқот, бу суҳбатнинг, бу учрашувнинг муваффақиятли бўлишидан умидворман.

Жобир НАВРҮЗ,  
Боку, 21 август, 1978 йил



## БИР ОРЗУЙИМ БОР

Истардимки, жоним, о нозли дилбар,  
Кошкийди, юзингга тушмаса ажин,  
Ўткинчи фасллар, ўткинчи йиллар  
Олиб кетмасайди ёшликнинг тожин...

Туманларга қалбдан қилгум илтижо,  
Ўзга эллар сари айласин сафар.  
Тонготар офтобга этурман нидо,  
Умрингга иқболдан келтирсин хабар.

Ҳой булут, тўхтагил, тўхтагил бир дам,  
Баралла айтгудай тилакларим бор.  
Емгир, шовқин солма, ҳовлиқма сен ҳам,  
Ёрим сочларига қўнма, ўксиз қор.

Сен ҳам, илк хотира, кетма олислаб,  
Зориққан чоғларим овунчоғимсан.  
Илк висол умиди, кетмагил ташлаб,  
Ўзинг иқболимсан, ёшлик чоғимсан.

Қадимдан бир сўз бор, сўз сўзга тортар,  
Илк севги кўз ёши кўзга керакдир.  
Илк кино билети, илк ғам, илк кадар...  
Берингиз барчасин, бизга керакдир.

Қалбимда мудрайди сирдошим илҳом,  
Уйғотмоқ истайди ҳис-туйғу, тўлғоқ...

Майли, эй, сочларим оқарсин тамом,  
Сенинг сочларингда кўргунимча оқ...

Бир орзуйим бордир, о нозли дилбар,  
Қошқийди, юзинга тушмаса ажин,  
Ўткинчи фасллар, ўткинчи йиллар  
Олиб кетмасайди ёшликнинг тожин...

## МЕНИНГ НАСЛИМ

Машхур ҳамда бадавлат уйда туғилганим йўқ.  
Отамни аллакимлар билмаса ҳам кўнглим тўқ.  
Гидамлар қуршовида дунёга кўз очмадим,  
Заррин ётоқ бошимдан ўз нуруни сочмади,  
Менга совға-салом деб бирор кимса шошмади.  
Куз ёмғири, шамоли қўшиғида йўғрилдим,  
Дунёнинг энг кўримсиз кулбасида туғилдим.  
Кутмаган бўлса ҳам гар мени мутлақо бу Ер  
Пўстинга ўрадилар туғилди деб бир фақир.  
Кулбага ётқиздилар бир четга нари-бери,  
Бувимга ишондилар бўлса-да ўта қари.  
Минг қувончдан нарида ўсиб-ундим дарбадар,  
Мени улар тополмай ўтардилар сарбасар...  
Эслайман, саҳар туриб сигиримиз соғилар,  
Мен гўдакни сут билан шоша-пиша боқдилар.  
Эслайман, ҳаяжоним токи шу кунга қадар  
Кўрсам қўргонимизни ўраган тоғлар қатор.  
Куз чоғи лой кечамиз ҳеч нарсага қарамай,  
Қиш ханжарин санчади баданимга аямай.  
Ёдимдан чиқмас у кун... эслайман босиб алам.  
Бало-қазо тусида кулбамизни босди ғам.  
Раҳматли отам кетди дунёдан кўзин юмиб  
Орзуси, бойлигини, бахтини ерга кўмиб,  
Мен кимга қолганимни энди сира кўрмасди,  
Бор экан тақдиримнинг менда беомон қасди...  
Бир дона буғдойни ҳам бекор бермади тақдир,  
Ўрнига аямайин этарди мени таҳқир.  
Қанчайин балоларга дош берди шўрлик бошим,

Қанча-қанча орзулар қолди — пишмаган ошим...  
Нимаки топган бўлсам, топдим мен уни ҳалол,  
Ҳалолдир топган михим, муҳаббатим ва иқбол,  
Агарки тақдиримда бирон нарса ўзгарди,  
Бунга тақдирим эмас, ўзим сабаб... ўз дардим.  
Орқали, суянчиқли наслдай туғилмадим,  
Лекин ҳеч чекинмадим, ўзимча сиқилмадим.  
Қаҳри қаттиқ инсондан баъзан едим қамчинлар,  
Бундан онам юзида қолди қанча ажинлар.  
Аммоки ўтмишимдан йўқдир сира ўкинчим,  
Ўтда куйдирса ҳам у олиб ҳаловат, тинчим,  
Бари ёниб битдию соврилди гўё қурум,  
Ёлғиз осмон қолди бас, қолди замин ва умрим...  
Агар авлод-аждодим ҳақда борар экан сўз,  
Улар балиқчи, деҳқон, тўқувчию этикдўз.  
Ушаларнинг олдида қарздорман, мангу қарздор,  
Ушаларнинг ташвишу орзулари мададкор.  
Мана ўзимнинг бобом! Таянч, суянган тоғим.  
Бугун ким заҳмат чекса ўша асл ўртоғим.  
Бир умрга, умрбод то ёнаркан чироғим,  
Мен ўшалар биланман, улар менинг ҳамроҳим.

## МАРОЛКУЛ СУКУТИ

Маролкўлда қўноқ бўлдим баҳор фаслида,  
У олтинни, у олмосни, у зарни кўрдим.  
Сочи оппоқ кекса тоғлар ихотасида  
Саккиз юз йил маъсум қолмиш бир пари кўрдим.

Саккиз юз йил умр кўрган сувларга боқдим,  
Ойлар, йиллар хаёлимдан ўтди бирма-бир.  
Гўё унинг ҳар томчиси минг карра оқиб,  
Сузгичлардан ўта-ўта зилол бўлибдир.

Мен бу ерда таққоси йўқ сукут тингладим,  
Оз қолдики, шовқин солиб, ҳайқирмоғимга.  
Мен шу ерда кимлигимни ўйлаб, англадим,  
У сукутдан қандай олиб кетсам боғимга?

Бу сукутдан олиб кета билсайдим шартта  
Чақалоқдай шод бўлардим, ўйнаб-кулардим.  
Бу суронли дунёмизга мен битта-битта  
У сукутдан бир сим ясаб, ҳарён улардим.

Бедор туриб соқчи каби ҳар эрта, ҳар кун,  
У сукутни қўриқлардим, ухлатар эдим.  
У сукутни беморга тез ёрдам каби мен  
Уйимизнинг қаршисида сақлатар эдим.

Доим манман-манман деган бақироқларнинг  
Баданига суртиш учун сукут элтардим.

Узоқ-узоқ нутқ сўзлаган бақироқларнинг  
Баданига суртиш учун сукут элтардим.

Номи улуғ, қалби қуруқ баъзи зотларнинг  
Томоғига шу сукутни қуярдим фақат.  
Бир-бири-ла тил топмаган эр-хотинларнинг  
Етоғига шу сукутни қўярдим фақат.

Уйқусизлик азобига йўлиққанларга,  
Дармон каби у сукутдан ичирар эдим,  
Юрагини, асабини мен инсонларнинг  
Рентген каби у сукутдан кечирар эдим.

Тўлдираддим ракеталар ичига сукут,  
Тўлдираддим милтиқларнинг учига сукут,  
Бутун майда даволарга рецепт каби мен  
У сукутнинг нусхасини ёзардим ҳар кун.

Бутун ҳарбий базаларнинг боши устига  
Тўп янчолмас у сукутни илардим ҳар кун.  
Мен армия қилар эдим, қўшин этардим,  
У сукутнинг кемасини мовий этардим —  
У сукутнинг машинасин яшил этардим.

Маролкўлда қўноқ бўлдим баҳор фаслида,  
Шаффоф эди, биллур эди, зиёбахш эди.  
Топилмас бир сукут бор-ди иҳотасида,  
Сукути ҳам гўзал эди, шифобахш эди.

## АЛИШТИРГАНМАН

Қишлоқдан келганман катта шаҳарга,  
Қандай у ерларни қийиб келганман...  
Орқамдан нима дер кўрган қир-дара,  
Қачондир уларни қўйиб келганман?!  
Эҳтимол, йўлимдан адашгандирман,  
Не йўлни босмоқни қарор қилдим мен?!  
Тоғларга тоғларни алмашгандирман,  
Чаманга чаманчи барор қилдим мен?!  
Қишлоқни шаҳарга алишгандирман,  
Алишиб, эҳтимол, янглишгандирман...  
Бургут жавлонини, сор жавлонини  
Пўлат қанотларга алиштирганман.  
Минутдан ҳам дақиқ хўроз бонгини  
Зангли соатларга алиштирганман.  
Ечиб-кийганимда устим, кийимим  
Эски энгилларга солиштирганман.  
Ота-бобомизнинг захлик уйини  
Ун олти қаватга алиштирганман.  
Шовуллаб қайнаган шалолаларни  
Минг хил товланувчи фаввораларга —  
Раққоса сувларга алиштирганман.  
Кеча-кундуз ёнган ўт лолаларни  
Неон ёғдуларга алиштирганман.  
Булбул чаҳчаҳини — шўх наволарни —  
Хонанда унига алиштирганман.  
Оппоқ туманлару соф ҳаволарни  
Завод тутунига алиштирганман...  
Буни неча йилга алишдим экан,

Буни неча кунга алишдим экан...  
Бувимнинг ўнларча эртаklarини  
Юз-юз романларга, поэмаларга,  
Юз-юз эсселарга алиштирганман.  
Қишлоқнинг чанг босган тор йўлларини  
Асфальт шосселарга алиштирганман.  
Кўкларни сақловчи алп қояларни  
Тош уй — ҳашамларга алиштирганман.  
Олтин чаманларни, бўз далаларни  
Сунъий гиламларга алиштирганман.  
Митти сой бўйида кезар онларни  
Кенг Ҳазар сайрига алиштирганман.  
Сирли, томошабоп кўк ўрмонларни  
Музейлар залига алиштирганман.  
Ясси тепаларни, кичик йўлларни  
Янги оламларга алиштирганман.  
Доно мўйсафидлар, оқсоқолларни  
Жиддий олимларга алиштирганман.  
Қишлоқни шаҳарга алиштирганман,  
Қишлоқни шаҳарга алиштирганман.  
Неларни неларга алиштирганман.  
Эҳтимол, нотўғри алишгандирман,  
Эҳтимолки, тўғри алишгандирман.



## ОНА ҚИШЛОҒИМ

Бу қишлоқ биринчи уямди маним,  
Бу қишлоқ аввалим, бошланғичимди.  
Бобомди, стамди, аямди маним,  
Бу қишлоқ оғамди ҳам эгачимди.

Ҳаётда кўрганим илк кичик дунём,  
Биринчи жаҳоним, оламим эди.  
У кекса кишилар бус-бутун маъно,  
Биринчи луқмоним, олимим эди.

Воҳ, бунда энг гўзал чоғларим бўлган,  
Эманлар хотира дарахтларидир.  
Тоғлар ҳам хотира тоғлари бўлган,  
Ёнбағир хотира пойтахтларидир.

У пайт гўзал чоғим, бола чоғимди,  
Энди умрим, куним бўлим-бўлимдир.  
Бу сой энг биринчи ўйинчоғимди,  
Бу сўқмоқ дунёга илк бор йўлимди.

Булбуллар биринчи куйчим, қувончим,  
Қўшиқ басталовчим — зарифим бўлди.  
Қўппаклар биринчи дўстим, таянчим,  
Бўрилар биринчи ҳарифим бўлди.

У вазмин сигирлар қизилу қора  
Туғишгандай яшар юракда, жонда.  
Онамнинг муқаддас сутидан сўнгра  
Уларнинг сутини ичдим жаҳонда.

Мен сенинг қўйингда эмаклаганман,  
Сомон атри берган илк иморатим.  
Мен сенинг қўйингда она деганман  
Туман атри берган илк иморатим.

Гоҳида қор ёғди, гоҳ тушди хазон,  
Гоҳо баҳор келди бир келин каби.  
Дарада у эман шовдираб ҳамон  
Турар илк ишқимнинг ҳайкали каби.

Рўё бўлиб қолди отам бир замон,  
Митти бола эдим, қолдим етим мен.  
Отам кўзларини юмгандан буён  
У тош қояларни ота дедим мен.

Турар болаликнинг кичик тепаси,  
Кўрмадим ўғайни-ётни у ерда.  
Шеъримнинг асаби, қони, нафаси,  
Сўзимнинг лаззати, тоти у ерда.

Турналар, лочинлар сузар осмонда,  
Самога чўзилган қўлларим маним.  
Шу ердан бошланди бутун жаҳонга,  
Бутун коинотга йўлларим маним.

Келар қулоғимга йилларнинг саси  
Кўрганда ям-яшил ўрмонни бунда.  
Маним асабимнинг дарди, чораси,  
Маним юрагимнинг дармони бунда.

Бу қишлоқ борлиғим туйгандир маним,  
Бу қишлоқ охирым, сўнгги кунимдир.  
Бу қишлоқ қалбимда имондир маним,  
Мен неки ёзмайин бари унингдир.

## ҚУЁШ ТУТИЛГАН ҚУНДАГИ УЙЛАР

У куни тўсатдан қуёш тutilди,  
Бутун ер сояга маҳкум этилди.  
Денгизлар, уммонлар, тоғлар қорайди,  
Қоралар, сариқлар, оқлар қорайди.  
Миллионлар тек қотиб ўйга ботдилар,  
Дунё гўзаллари хунук тортдилар.  
Дунё лолалари йўққа чиқдилар,  
Тоғ шалолалари йўққа чиқдилар.  
Ифлослар, бадбахтлар кўринмас бўлди,  
Тикон сим сарҳадлар кўринмас бўлди.  
Шунчалик ўзгариш бўларми, ҳайҳот,  
Кўлкага кўмилди башар, кoinот.  
Пайт кутган ваҳшийлар жавдирадилар,  
Қалқдилар, турдилар, қалтирадилар.

Юраги сиқилган осмонларга,  
Қорага кўмилган осмонларга  
Қийшайганча қараб турди-да ўғлим  
Урди мис қозоннинг тубига ўғлим.  
Қанча чироқ бўлса бутун очунда  
Бирма-бир ёқдилар, қўшдилар шунда,  
Пиликли лампадан фонарга қадар,  
Энг кучли, энг юксак вольтларга қадар;  
Бу — сўник юлдузча бўлмади бироқ,  
Ёруғдан кўнгиллар тўлмади бироқ.  
Қуёшсиз яшамоқ мумкинми асло?  
Усиз йўқ — ер, денгиз, дара, тоғ, дарё.  
Усиз бир сония юрагинг кулмас,

Йўқ, сунъий нур билан кун кўриб бўлмас.  
Дедим: очил, қуёш, илоҳий қуёш,  
Оллоҳсиз дунёнинг оллоҳи қуёш,  
Миллиард йиллардирки, бутун жаҳонга —  
Инсонга, денгизга, чўлга, ўрмонга,  
Оддий чумолнга, оддий япроққа,  
Энг кичик заррага, энг юксак тоққа  
Ҳаёт улашарсан, нур улашарсан,  
Муқаддас шу ишинг билан яшарсан.  
Бу қадар ёғдуга, нурга, қуёшга,  
Бу олий заҳматга, бу наҳанг ишга  
Чарчадим демаган, турдим демаган,  
Заррача ҳам бундоқ ҳақ истамаган  
Хайрихоҳ, заҳматкаш, вафоли қуёш,  
Башарнинг саховат меъёри қуёш.

Бутун яхшиларни ва олчоқларни,  
Бутун ёвузларни ва қўрқоқларни,  
Фикрида зулматлар ташиганларни,  
Асил инсон каби яшаганларни,  
Бутун ички, ташқи ватансизларни,  
Қора юракларни, очиқ юзларни  
Сенинг шафагингда фарқлаймиз, қуёш,  
Биз сенинг ёнингда йўқдаймиз, қуёш!  
Очил, э дунёнинг безаги қуёш,  
Ҳаётнинг меҳвари, ўзаги қуёш.  
Биздан узоқ қочган какликка, сорга,  
Йиртқичга, маданий ҳар жониворга,  
Бутун чумчуқларга, бутун филларга,  
Бутун лолаларга, чиннигулларга,  
Бутун қурт-қумурсқа, капалакларга,  
Янги қиёфали эски бекларга  
Сенинг ёруғингда боқамиз, қуёш.  
Сен миллиард асрлик улуг ҳақиқат,  
Биз қисқа умрли нақлмиз, қуёш...  
Шу вақт чиқди қуёш, қаранди қуёш,

Миллион шафақларга ўранди қуёш.  
Яхшики, бу ҳасрат бир онлик бўлди,  
Яна бу умримиз алвонли бўлди.  
Наргизлар дунёга қайрилиб боқди,  
Денгизлар дунёга қайрилиб боқди.  
Уммонлар дунёга қайрилиб боқди,  
Инсонлар дунёга қайрилиб боқди.  
Башар ғамли эди гўёки энди,  
Юзидан тутқунлик ёшмоғи қалқди.  
Зулматларни ёриб қуёш кўринди,  
Дунёнинг яшамоқ байроғи қалқди.

## ЕШЛИГИМ

Ҳаётимнинг тожи эди  
Қора кўзли ёшлигим.  
Ишқ, муҳаббат аччиқ эди  
Қора кўзли ёшлигим.

Юрак каби питирларди,  
На бир ғами, на бир дарди...  
Неча йиллар кўкрак керди  
Турди-тўзди ёшлигим.

Даво эди, дармон эди,  
Табиб эди, луқмон эди,  
Гувиллаган уммон эди  
Денгиздай дов ёшлигим.

Орзулари тараларди,  
Гунча каби ёриларди,  
Гўзалларни ёндирарди  
Чопқир асов ёшлигим.

Чўлда битган бир лолайди,  
Майга тўла пиёлайди,  
Тоғдан учган шалолайди  
Мустақил, ҳур ёшлигим.

Ҳар бир сўзи шамшир эди,  
Кескин эди, ўткир эди,

**Воҳ мунча дов, бокир эди  
Гавҳар, биллур ёшлигим.**

**Табиатнинг неъматийди,  
Севгиларнинг маъбадийди,  
Ўйлардимки, абадийди  
Битмас сафо ёшлигим.**

**Умри чечак қадар бўлди,  
Ҳасрат бўлди, қадар бўлди,  
Нечун келар-кетар бўлди,  
Қимдан хафа ёшлигим?**

## ИШОНА ОЛМАЙМАН

Иилларим ўтмоқда карвондай елиб  
Гоҳ саҳар кўраман, гоҳида оқшом,  
Ишона олмайман, бир куни келиб  
Наҳот мен дунёда бўлмаб батамом?!  
Не-не танишларим кузатиб қўйдим,  
Тобутин кифтимда узатиб қўйдим.  
Қанча кўп одамни дафн қилдим мен,  
Онамни, отамни дафн қилдим мен.  
Ёндиму тутадим қолганда ночор,  
Фахрий қоровулда турдим неча бор.  
Не-не инсон умри саволга дўнди,  
Гўдаклар йўқ бўлиб хаёлга дўнди.  
Қанча дўст йўқотдим ўнгу сўлимдан,  
Олиб қололмадим бир зум ўлимдан.  
Ҳей қалбда ғам тўла, ҳей мотамсаро  
Кезаман соҳилсиз қабристон аро  
Ва ҳеч ишонмайман, бир куни келиб,  
Мен ҳам миллионлардан ўтарман елиб.  
Гар шундай қурилган башар, коинот,  
Кўзим кўра-кўра ҳам кун, ҳар соат  
Минг умр етса ҳам сўнгга, инсонлар,  
Ишона олмайман бунга, инсонлар!  
Наздимда устимга ўлим келганда,  
У менинг кўксимни сўкиб тилганда  
Хилма-хил доридан, дармондан аввал,  
Хилма-хил ҳақимдан, луқмондан аввал  
Ўз севгилари-ла, истаклари-ла,  
Мени «ота! ота!» демаклари-ла,



Ўз боқишлари-ла, ўз саслари-ла,  
Ўз иссиқ, меҳрибон нафаслари-ла  
Мени болаларим сақлаб қолишар,  
Ўлим зулматидан тортиб олишар.  
Наздимда у менинг қийин онимда  
Дўстларим туришса икки ёнимда,  
«Қалайсан?»—сўрашса у азизларим,  
Янгитдан ёнажак сўнган кўзларим.  
Наздимда ўша он қасдма-қасдига  
У жаллод келганда бошим устига  
Сўзларим майдонга кирар шер бўлиб,  
Чопишиб, солишиб, ботир эр бўлиб,  
Кучини, азмини билдиражаклар,  
У қора шарпани ўлдиражаклар.  
Наздимда ажалга дуч келган чоғим  
Ҳойҳой кўтаражак она қишлоғим.  
Эшитиб билганлар югуражаклар,  
У қора шарпага от суражаклар.  
Менинг шамолларим туғён этажак,  
Менинг чечакларим исён этажак.  
Одамлар, бургутлар, тоғлар, тераклар  
Мени бу ҳаётга қайтаражаклар.  
Менинг назаримда борлиғим, жоним —  
Луқмонлар луқмони Озарбайжоним  
Юракдан истаса тирилажакман,  
Мени ўғлим деса шарт туражакман.

## ТИРИКЛИКДА ҚАДРЛАНГИЗ ОДАМЛАРНИ

Эй одамлар, бир гап айтай, рухсат беринг,  
Тирикликда қадрлангиз ҳар бир жонни,  
Яхшиларни тирик чоғи яхшисан денг,  
Ёмонсан денг тиригида сиз ёмонни.  
Тухмат денглар бу сўзларим бўлса абас,  
Миллион марта сиздан кўнглим бўлгай рози.  
Шоирларни тиригида қилинг эъзоз,  
Борлигида қўйинг ҳайкал бўлса лозим.  
Сиз умидни кейинларга таҳламангиз,  
Сўзингизни бошқа кунга сақламангиз,  
Тўйдан кейин ноғорага ҳушим йўқдир,  
Қуруқ гапу йўқ ваъдага ҳушим йўқдир.  
Тирик экан хурсанд қилинг пок қалбларни,  
Тирик экан расво қилинг қаллобларни.  
Тирик чоғи тулки денглар тулкиларга.  
Қоплон денглар қоплонларга,  
Тирик чоғи қиймат беринг инсонларга.  
Кўзи очиқ чоғидаёқ ўз жойини билсин ҳар ким.  
Бу, ёмонлар ҳаётини поймол этар.  
Бу, яхшилар ҳаётини пойдор этар.  
Қандай гапки, кимдир ўлса қалбларимиз  
Одамларга меҳр, ҳурмат билан тўлар.  
Улдими бас, яхшилар ҳам яхши бўлар,  
Ёмонлар ҳам яхши бўлар.  
Хотиралар ёзиб яна,  
Таъзиялар тузиб яна,  
Ҳаммасини ёппасига «яхши» атаб,  
Сўнги йўлга узатамиз.

Бу кечиккан кўнгилчанлик кимга керак,  
Бундан қабр кенгаярми,  
Ёки марҳум тириларми?!  
Ҳушим йўқдир беоқибат одатларга,  
Ҳушим йўқдир.  
Бу сардоба севгиларга, ҳурматларга  
Ҳушим йўқдир.  
Нима қилай вафоси йўқ шуҳратни ман,  
Бир нафаслик умримни-ку  
Ўлим отлиқ минг-минг зарга алишмайман.  
Тирик чоғи игна бўйи ҳурматни ман  
Улгач, бўлган минг ҳайкалга алишмайман.  
Эй инсонлар, юрагимни тингланг атай,  
Юзланаман, гўдакларга, кексаларга, ўғлонларга,  
Тирик чоғи қадрланг сиз инсонларни.  
Тирик чоғи яхшиларни яхши атанг,  
Тирик чоғи ёмон денглар ёмонларни.

## МОСКВА ҚАСИДАСИ

Москва! Ешлигимсан,  
Толеим обидаси.  
Номинг билан туташдир  
Умримнинг хотираси.  
О, Москвам! Дунёнинг  
Сенсан таянч нуқтаси.  
Оламга бахт таратар  
Кремлнинг зиёси.  
Сени ёдга олурман  
Ҳар субҳидам-наҳорда.  
Сени ёдга олурман  
Куз, қиш, ёзда, баҳорда.  
Меҳринг юрагимдадир  
Ҳаёт орзуси янглиғ.  
Еш умримнинг беш йили  
Сенда ўтди бўлиб чўғ.  
Ёниб юрган дамларим  
Уйимда, иқболимда.  
Ёдинг абадий қолмиш  
Таржимаи ҳолимда.  
Неча йилки муқаддам  
Бағрингга қўйдим одим.  
Онамнинг қучоғидан  
Қучоғингга отилдим.  
Сен мени бир болангдай  
Олдинг шодон қаршилаб.  
Талабалик йилларим  
Завқин қалбимга жойлаб.

Мен ким эдим — талаба,  
Билардим фақат шуни.  
Талабалик!— Унинг ҳам  
Бор энди ўз қонуни.  
Барча мени ўшанда  
Москвалик санарди.  
Москвалик деганда  
Кўнглим бир ёш ўсарди.  
О, Москва! Юрагимнинг  
Ишқисан, сайқалисан!  
Сен менинг ёшлигимнинг  
Энг буюк ҳайкалисан!  
Чиқмас хотирдан асло  
Сўзларинг, суҳбатларинг.  
Ҳамон қулогимдадир  
Олий насиҳатларинг,  
Беш йил ўтиб кетди тез,  
Дилда сабоқлар қолди.  
Кўзимда нур, қалбда ўт,  
Сўнмас чироқлар қолди.  
Юраги шоир шаҳар,  
Ёдингдами ул саҳар?!  
Мен отамиз Лениннинг  
Ҳузурига кирганим;  
Қўлга олиб папоғим  
Унга бошим эганим.  
Инқилобчи Бокумдан  
Салом топширдим шу дам.  
Чиқдим Қизил Майдонга,  
Мен сасини эшитдим.  
Садо берган тўпларнинг  
Наърасини эшитдим.  
Бунда ҳар бир тош сўзлар  
Доҳиймизнинг ўзидан,  
Буюклик, оддийлиги,  
Қалбга кўчган изидан...

Қалби бир дунё шаҳар,  
Ёдингдами ул саҳар?!  
Пушкин берди меҳрини,  
Ўқидим илк шеърини.  
Шеър бўлдию сабаб,  
Хаёл олисга учди!  
Шеърни ўқиб шу замон  
Кавказ кўнглимга кўчди.  
Ўйимда Герцен уйи,  
Буюк Горькийнинг ёди.  
Улмас Маяковский —  
Шеъримизнинг устоди  
Оқди мангу руҳимга  
Не-не орзу, не-не ҳис,  
Не-не туйғу, тушунча,  
Қалбда ёнди оташ сўз.  
Москва! Ер юзининг  
Бор ҳақиқат сўзисан!  
Сенсан ишқимиз сеҳри,  
Муҳаббат марказисан!  
Бир умрга бағрини  
Очди меҳрибон руслар,  
Нечун бугун мен сизни  
Эсга олмайин, дўстлар?!  
Сизнинг сахий, бағри кенг,  
Содда табиатингиз;  
Сизнинг инсонлигингиз,  
Сизнинг муҳаббатингиз,  
Сизнинг кекса дунёда  
Қамолингиз, ақлингиз;  
Сизнинг гўзал шеърингиз,  
Сизнинг доно нақлингиз;  
Сизнинг сургун ва дорда  
Сабрингиз, қарорингиз;  
Сизнинг ерда, фазода  
Парвозу виқорингиз;

Сизнинг дунё яратган  
Қадоқли қўлларингиз;  
Сизнинг кўнгил овлаган  
Серноз санамларингиз,  
Сизнинг дўстга меҳрингиз,  
Оҳанрабо сеҳрингиз;  
Сизнинг дилни ёндирган  
Ширин наволарингиз,  
О, маъноли, лазиздир,  
Юрагимга азиздир!  
Москва! Инсонларнинг  
Энг самимий сўзисан  
Сен муҳаббат маркази,  
Инсонликнинг ўзисан!

## ШЕЪРЛАРИМГА ТАҚРИЗ

Сиз, эй, менинг кўҳна шеърларим,  
Сиз, эй, менинг азиз шеърларим!  
Кўпайтириш, бўлиш белгилари,  
Ҳар нарсага тўғри шеърларим.  
Нелар кечар юрагимда —  
Борлигимда, биласизми?  
Сиз, эй, менинг кўҳна шеърларим,  
Хуш келасиз менга кўпинча.  
Мисраларда мардлингиз,  
Сергазалик йўқдир ҳали!  
Кўмагингиз йўқдир ҳали.  
Пардозингиз кўпдир ҳали.

Сиз, эй, менинг кўҳна шеърларим,  
Мен демасман сизни ёзиб  
Яратмоқдан ёнмоқдаман.  
Йўқ, йўқ, озроқ танилсам-да,  
Сиз-ла бирга танилганман.  
Йўқ, демайман: сиз ҳеч нима,  
Соҳтасиз, деб айтолмайман.  
Йўқ, йўқ, менинг борлигимдан  
Туғилдингиз, яралдингиз!

Китобларга қўйдингиз қадам,  
Қўйилдингиз витриналарга,  
Сизга гоҳо газеталарнинг  
Жой бердилар кўркем еридан.  
Дўстлар мени қилдилар табрик,



Қучоқлашиб, қўл ҳам бердилар.  
Саҳифалар қоқ белида  
Сармаст бўлган мисраларим.  
Гўзалларнинг сочларидек,  
Жун тараган бувим қўлидек  
Пардозланган мисраларим.

Сиз миқдоран кўп эдингиз,  
Оз эдингиз сиз мазмунан.  
Ураларга, қарсақларга,  
Қурсиларга қўйдингиз ихлос.  
Қофияси силлиқ ва равон,  
Ҳижолари тўғри шеърларим.  
Баъзан енгил шеърларим.  
Баъзан бетиш шеърларим,  
Баъзан беиш шеърларим.

Газеталарда у замонлар  
Сиз мен учун кул эдингиз,  
Дазмолланган фикрларим,  
Бозорларда пишлоқларга,  
Туршакларга ўралдингиз.  
Меҳнатимни, заҳматимни  
Барбод қилган сатрларим.  
Юраклардан ўрин олмай,  
Архивларга кўчган сатрларим.  
Сизни бугун ёндирмоққа  
Бир ўт бўлсам, кечиринг.  
Сизга қарши қаттол бўлсам,  
Баттол бўлсам, кечиринг.

У вақтлари анча ёш эдим,  
Енгил олқишларга бўлиб маҳлиё,  
Қўлдан бердим олтин дамларни.  
Минбарлардан қўл силкитдим,  
Сердимоғ-ла ўзни унутиб...

Шердан кўра, санъатдан кўра  
Қувар эдим шуҳратни кўпроқ.

Сиз, эй, менинг кўҳна шеърларим,  
Ўзимнинг фойдаларим,  
Осон йўлга мойилларим!  
Ўз ҳолимга ёна-ёна яшарман!  
Ўз-ўзимнинг хотираму,  
Ўз-ўзимдан тона-тона яшарман!

## ДУСТЛАРИМ БОР

Менинг дўстларим бор,  
азизларим бор,  
Менинг бу дунёда  
ворисларим бор.  
Кўзимда улар-чун  
ўз муҳаббатим,  
Кўксимда улар-чун  
ўз сўзларим бор.  
Бутун ҳисларимни,  
фикрларимни  
Фикрига, ҳиссига  
жамлаган дўстлар.  
Ҳисобсиз, саноқсиз  
одам ичидан  
Севилиб, йўқланиб,  
танланган дўстлар.  
Улар-ла гоҳо жим  
калтаклашарман,  
Фикрдан, туйғудан  
узоқлашарман.  
Улар-ла бўлганда  
доно бўлурман,  
Улар-ла бўлганда  
бола бўлурман.  
Жонимга, қонимга,  
томирларимга  
Туташдир юракдош,  
жондош дўстлар.

Менинг нафратимда  
йўқланган дўстлар,  
Менинг ҳасратимда  
йўқланган дўстлар.  
Менинг дўстларим бор,  
азизларим бор,  
Ўзимдан серлутф,  
лазизларим бор.  
Оғриси бош, юрак — келади малол,  
Игнадай тешиқдан гар кирса шамол,  
Киран уйларимга  
дўст тўфон бўлиб;  
Левитан овози,  
ҳаяжон бўлиб;  
Дарчадай очишар  
юракларини.  
Улар яхши билар  
дўстнинг қадрини,  
Сочлари, қўлию  
асаблари-ла,  
Бутун уйларию  
эшиклари-ла,  
Бола-чақалари —  
бешиклари-ла.  
Бир кун, раҳмат, десам қуёшга, ойга,  
Мен каби йиғлашиб, кула биларлар.  
Қардошдай топганин қўйиб ўртага,  
Умрини иккига бўла биларлар.  
Чумолилар каби тўхтамай бир зум,  
Дарду ҳасратимни ташишар дўстлар.  
Бир кун ўзлари-чун яшашса маъсум,  
Бир кун менинг-чун яшашар дўстлар.  
Дейман мен уларга:— Совуқлик нега,  
Мана, оловларим — эҳтиросларим.  
Барча олчоқларга, вафосизларга  
Найзадай қадалган — эҳтирозларим.

Улар мен бўлмасам, менинг борлигим,  
Барча дўстсизлардан хабардорлигим.  
Барча номардларга ташланган дўстлар,  
Ҳатто хатоимдан хушланган дўстлар.  
Мен бўлмаган жойда мен бўлган дўстлар,  
Ўзимга ўхшаган — шод, кулган дўстлар.  
Бутун ҳисларимни, фикрларимни  
Фикрига, ҳиссига жамлаган дўстлар.  
Уч ярим миллиардлик башар ичидан  
Минг қарра синовга танланган дўстлар!

## ЯХШИЛИК

Яхшилик — ёмонликнинг жазоси,  
Яхшилик — кўп дардларнинг давоси.  
Ким ёмонлик қилса бир карра,  
Қайтарардим яхшилик-ла юз бора.  
Тушунтирар эдим у тушунмагани,  
Келтирардим ўз ҳолига ўша манманни.  
Сийнасин, курагин олиб нишонга,  
Овчи бўлиб ўқ узардим ўшанга.  
Борлиғини кўрсатмоққа бошлайман,  
Прожектор нурларига ташлайман.  
Ниқобини йиртиб, боқиб кўзига,  
Сўйлагайман ҳақиқатни юзига.  
Балки дерсиз бу хосият гуноҳимдир,  
Йўқ, йўқ, яхшилик — бу қуролимдир.  
Бу менинг мард ўзлигимдир,  
Илк қарашда англаш мушкул ростлигимдир.  
Балки пинҳона дерсиз,  
Бундай, ахир, бўлмайди, болам.  
Балки дерсиз қўрқоқман,  
либералман?!  
Йўқ, йўқ, яхшилигим —  
рост айтсам,—  
Менинг ўқим,  
менинг найзам,  
Ракеталарим,  
бомбаларим!  
Ахир, шундай яшаганлар  
болаларим.

Ахир, қалби дунё у кишилар,  
Ёмонликка яхшилик қил,  
демишлар.  
Асли, насли соф, дилгир  
яхшилигим.  
Қиличдан ҳам ўткир —  
яхшилигим.  
Олчоқларнинг ғанимидир —  
яхшилигим.  
Душманга ҳам самимийдир  
яхшилигим.  
Ер юзида хайрихоҳлик  
тўғонидай эсажакман.  
Яхшилик-ла ёмонликнинг  
ўзагини кесажакман.  
Яхшилигим — яхшиларга  
садоқатим,  
Яхшилигим — инсонларнинг ёмонига ҳам,  
Менинг инсоний нафратим,  
Менинг инсоний муҳаббатим!

## СОҲИЛЛАР ВА КЕКСАЛАР

Юмшоқ қўлларини қўйиб белига,  
Ҳар кун соҳилларга келар кексалар.  
Ҳар кун ўша ерда айланиб, кезиб,  
Гоҳо шод, гоҳ ғамгин кулар кексалар.

Денгиз малҳам қўяр ғазабларига,  
Денгиз унутдирар қайгуларини,  
Денгиз сайқал берар асабларига,  
Денгиз тотли қилар уйқуларини.

Қисилар, очилар, тораяр Ҳазар,  
Шундай ўз-ўзини кўришар чоллар.  
Оқарар, кўкарар, сарғаяр Ҳазар,  
Шундай ўз-ўзини кўришар чоллар.

Қайиқлар сузишар сувда пайдар-пай,  
Қайиқлар сузишар набиралардай.

Ҳар юрак бир ташвиш, ўй-ла ҳамнафас,  
Ҳар юрак бир ишқнинг ёнур ўтида.  
Кемалар кўринар ҳу элас-элас,  
Ҳар чолнинг ўз умри тушар ёдига.

Ҳар бирин сувларга бир сўзи бўлар,  
Ҳазар хотиралар денгизи бўлар.  
Гоҳ тўхтаб қилурлар сукут кексалар,  
Бир вақтлар ботир эр, йигит кексалар.



Бир вақтлар навқирон, мерган кексалар,  
Отини улоққа солган кексалар.  
Умри эл гарови, ҳаёт гарови  
Халқ ила йиғлаган, кулган кексалар.

Ешгина Наримон, ёшгина Қиров  
Ва ёш Машҳадини кўрган кексалар.  
Ҳар кун соҳилларга келар кексалар,  
Ҳар сафар кексалар кексайиб келар.

Кекса киприклари, қарашлари ҳам,  
Чоллар хиёбонда юришар бардам.

Қорли тўфон турса, эсса зўр шамол,  
Соҳилга келиша бошлар кексалар.  
Денгизсиз қолдими — чақалоқ мисол,  
Изтироб, ташвишни бошлар кексалар.

Олтин умрлари ўтиб борса-да,  
Тутишар ўзларин тетик, шод, аммо.  
Модалардан қолган кийимлар устда,  
Гоҳ уйда, гоҳ йўлда топарлар хато.

Модалардан қолган пинжаклари бор,  
Модалардан қолган кўйлаклари бор.  
Қадим тупроқ учун ёш, қувноқ чоллар,  
Баъзи ёшлар учун кексароқ чоллар.

Умр иштиёқи бор ўйларида,  
Васият қолдириб, дуо этарлар.  
Қирғоқдан узоқда, ўз уйларида  
Бир-бир бу оламдан танҳо ўтарлар.

Ҳафталар ўтгуси мотам, азада,  
Айрилиқ доғини бу бошга солар.  
Ўз умрин, ўз ўрнин ташлаб лаҳзада,  
Соҳилга келишар бошқа кексалар.

## УМРИМ БИЛАН СУҲБАТ

Менга энди қадим бу дунё таниш,  
Доимо ўйлайман, эй, умрим, сени,  
Неча баҳор ўтди, ўтди неча қиш,  
Ихлос-ла куйлайман, эй, умрим, сени.

Меҳнат бўлди содиқ ҳамроҳинг мудом,  
Таниш-нотанишнинг тилида сен бор.  
Иснод ётдир сенга, қутлуғ, азиз ном,  
Кимки ёмон деса, ўзидир бадкор.

Бугун эй, кунларинг ўтса ҳамки хуш,  
Сенинг тўфонинг бор, сенинг қоринг бор.  
Умрим сатрлари, учинг мисли қуш,  
Ҳали айтилмаган байтларинг бисёр.

Эй, умрим, толеинг нурли, зиёда,  
Ахир, шарафимсан, номус, шонимсан.  
Энг буюк асарим сенсан дунёда,  
Сен — менинг энг буюк қаҳрамонимсан.

Кел, ўтган кунларни эслайлик бир бор,  
Сенинг изларинг бор, йўлинг бор, умрим.  
Келгуси наслга сен мендан ёдгор,  
Тойи шарафингга жон нисор, умрим.

Ёшлик тез ўтади бир туйғу каби,  
Гўёки кексалик югуриб келар.

Қарасанг, беш одам пирпираб лаби  
Сўйлар: асл ҳаёт шунақа бўлар.

Дерлар: ҳали ёшсан, иқболинг кулар,  
Кечаги боласан, нима кўрибсан?!  
Сенда гул очажак ҳали орзулар,  
Ҳали оз кўрдинг-у, кўп улгурибсан!

Бугун соғ, эртага тупроқман, умрим,  
Дарахтда титраган япроқман, умрим,

Қўймасман изингга солгани соя,  
Туширмам асло доғ билониҳоя.  
Тоза сақламасам сени дунёда,  
Номард санасинлар мени дунёда!

## ТИЛИ ЧИҚҚАН БОЛА

Қўшимиз уйида бу саҳар чоғи  
Бир бола гапирди илк бора бугун.  
Яшнади барчанинг кўнгли, ёноғи,  
Орзулар тил очди, чеҳралар гулгун.

Унинг ҳар сўзига она, жон, деди,  
Эл оқди бу ерга, элатлар келди.  
Сўзига оталар, жон қурбон, деди.  
Тугунча қўлларда, янгалар елди.

Бир базм қурилди — завқли шу қадар!  
Таҳсинлар ўқилди ўша аснода.  
Бола соғлиғига янгради қадаҳ,  
Бола соғлиғига ичилди бода.

Қалбга торлик қилди ўша кун олам,  
Овозимга кўчди элим зурёди.  
Бола шоша-пиша она деган дам  
Нақадар яйради Ватан авлоди.

Биринчи саодат жарчисиман мен,  
Қанотли сўзларим умримга пайванд.  
Эй, еллар, тилларим бурро ва чечан,  
Эй, еллар, юрагим орзу билан банд.

Дедим ўз-ўзимга шод, мамнун шунда,  
Шу тилда топажак саодатин у.

Бир меҳрибон қизга бир хушнуд кунда  
Шу тилда очажак муҳаббатин у.

Минг қўшиқ, минг наво, минг истак, орзу,  
Унинг юрагига нур сочажакдир.  
Жаъфарнинг суҳбати, Вурғуннинг сўзи  
Унинг дудоғида тил очажакдир.

Шону шуҳратидан фахр эгар диёр,  
Оширар элининг куч-ғайратин у.  
Уз она юртини кимлар этса хор,  
Шу тилда айтажак қалб нафратин у.

Қўшимиз уйида бу саҳар чоғи  
Бир бола гапирди илк бора бугун.  
Яшнади барчанинг кўнгли, ёноғи,  
Орзулар тил очди, чеҳралар гулгун.

Барча эъзозлади жажжи ўғилни,  
Элу юрт ол-алвон кийинди шу кун.  
Онам Озарбайжон қутлади уни,  
Онам Озарбайжон суюнди шу кун!

## ПУШКИН ҚАБРИ УСТИДАГИ УЙЛАР

Фасли баҳор.

Шеъриятнинг байрами латиф,  
Келган эдик биз Пушкинга этгали таъзим.  
Зиёратга жумлажаҳон буюрмиш ташриф,  
Оқимларда — мухлислари,  
Излашар изин!  
Миллат борки,  
Вакили бор, менинг наздимда,  
Орамизда ҳар элатдан шоир бор эди.  
Ҳурматини бажо айлаб қалбан назмда,  
Дилимизда Пушкин отли шиор бор эди!  
Тирбанд ўтлоқ,  
Ўрмонларнинг этаклари ҳам,  
Соҳилларга сигмаган ул, хўш, нима экан?  
Неваралар, чеваралар ҳузурида жам,  
Қалқар эди «Пушкин» номли буюк океан!  
Шоир қабрин пойларига тўшалмиш гуллар,  
Одамларнинг қўлларида олтин камалак.  
Нафосатга етаклайди сўқмоқлар, йўллар,  
Умид ишқи билан ёнмиш ҳар шеърхон юрак.  
Бир байрамки, юракларни айлади хушнуд,  
Осмон узра наъра тортмиш шоир илҳоми.  
Ўша кунни ҳатто ўлим сақлади сукут,  
Ҳаёт бўлиб қанот қоқди шоирнинг номи!  
Тиллар борки, шеър янгради,  
Ҳа, ўша тилда,  
Гоҳ изғирин,  
Гоҳ ҳарорат бизни боплади!

Не кечганин билсангизди бу ғариб дилда,  
Оҳ, лаҳзалар оташида роса тоблади!  
Қофиялар тилимизда қолди тутқунда.  
Кафтимизда қолган каби майда чақалар.  
Сохта сўзлар замирига зил кетди бунда,  
Қалтафаҳм устозларга лаънат ўқилар.  
Мангуликка қасам ичдик шоир бошида,  
Шеъриятда бизлар қайда,  
Буюк зот қайда?!  
Бу муқаддас,  
Бу барҳаёт ҳайкал қошида,  
Худо ҳаққи, кўпларимиз тугилдик қайта!

**ШОШИЛИНГ, ОДАМЛАР...  
ОШИҚМАНГ, ОДАМЛАР...**

**Шошилинг, одамлар, қувонч изидан,  
Қайғунинг кетидан қувмангиз асло.  
Йўқ, алам ёғмасин инсон кўзидан,  
Қувнаб яшамоққа яралган дунё!**

**Ҳаётки, бор низо, фалокат, қайғу,  
Учиринг уларни хотирдан бирпас.  
Азиз умрингизни этмангиз тутқун,  
Буюк матлабларга бўлинг ҳамнафас.**

**Юксак орзу билан тиниқ тонг янглиғ,  
Ёруғ бу оламга ташланг наззора.  
Тутинг ёдингизда, айланар улуғ,—  
Қуёш атрофида гўзал сайёра.**

**Шошилинг, одамлар, қувинг лаҳзани,  
Нафосат ҳаётга бўлсин дугона.  
Умрингиз билмасин мушкул, ларзани,  
Ешларга кексалик бўлсин бегона.**

**Сас солинг самога, сувга, тупроққа,  
Бу йўлга чақиринг авлодларни ҳам,  
Шошилинг одамга кўмак этмоққа,  
Уй йиқишга шошманг, ўйланинг ҳар дам.**

**Яхшилик йўлида қазилмагай чоҳ,  
Талафот кўрмаган ҳеч ким, ҳеч қачон.**



Биринчи бўлингиз сизлар хайрихоҳ,  
Шафқати йўқ одам — шавкатсиз инсон.

Дақиқа қадрига етинг, одамлар,  
Яхшилик йўлида ўтсин ҳар асно,  
Яшашга шошилинг, ғанимат дамлар,  
Ошиқманг ўлимга, одамлар, аммо!

**ОНАЛАР МУЗЕЙИНИ ЯРАТАМИЗ,  
КЕЛИНГ!**

*(Наби Ҳазрига)*

Юзлари тиришган,  
бели букилган,  
Сочлари оқарган,  
тиши тўкилган,  
Эртатка айланган  
она йўқотдик,  
Гўдакка айланган  
она йўқотдик.  
Кунда неча карра  
уни йўқлардик,  
Пахта орасида  
асраб, сақлардик.  
Кичкина қошиқда,  
пай<sup>1</sup> ичирардик.  
Сўргичда новвотли  
чай ичирардик.  
Силаб куч бахш этсак  
оёқларига,  
Лимон сув тутардик  
дудоқларига.  
Набира, авлодлар  
у сари оқдилар.  
Рецептлар кўтариб  
ҳар ёнга чопдилар,  
бўлмади.  
Энг моҳир ҳакимлар

---

<sup>1</sup> П а й — улуш. Бу ерда овқат маъносида.

бирма-бир боқдилар.

Энг нодир дорилар  
малҳамлар топдилар,  
бўлмади.

Ҳазар қирғоғида бир она ўлди,  
Арон тупроғида бир она ўлди.  
Бизга минг хотира ҳар соясида,  
Чилими, пайпоғи, чархчаси қолди.  
Гам-ғусса қуршаган чорпоясида  
Онанинг ўз бўйи, нафаси қолди.  
Болиши устида, кўрпа остида  
«Жон болам» деган бир сўз-саси қолди.  
Қорда мазорини қилдик зиёрат,  
Дунёда кўпайди янаям ҳасрат.  
Каъба ҳам кўпайди дунёда яна,  
Кетди бу дунёдан яна бир она...

Умри курашларда мисли нур ўтган,  
Келинлик либосин ечмай тул ўтган,  
У қонли урушдан эри қайтмаган,  
Ҳасратин кимсага очиб айтмаган  
Бир яқин опамнинг онаси кетди,  
Бир умр юзидан кулги йўқолди.  
Бир умр қўлидан хинаси кетди,  
Сочининг қораси мангу йўқолди.  
Оғирдир йўқотиш дарди одамнинг  
Бу қандай умрки, кўнгил ғашланар...  
Сочи оқарса ҳам Ширин опамнинг  
Болалик унинг-чун энди бошланар.  
Бир шоир дўстимнинг онаси ўлди,  
Шеъримиз илдизи гўё қуриди,  
Сўзимиз биноти гўё қулади.  
Унга-ку, онанинг қуруқ кўлкаси,  
Бир оддий нафаси, шунчаки саси  
Енгилмас бир қалъа, бир қудрат эди,  
Шеърига, сўзига бир ҳужжат эди.

Унга номардлардан алам ўтганда  
Она кулишини дармон биларди.  
Унинг хоҳишини, унинг сўзини  
Дунёда энг буюк фармон биларди.  
Тизига бош қўйиб ётганда шоир,  
Бир ажиб гулзорда ётгандек эди.  
Занф қўлларидан тутганда шоир  
Қудратни, журъатни тутгандек эди.  
Оқарган сочлари дил фахри эди,  
Ажинлар шеърига меҳр наҳри эди.  
Хаёлга айланди, бир она кетди,  
У билан бир ажиб замона кетди.  
Она чорпояси қолибди етим,  
Уни музейларга элтиб берайлик.  
Она кулбасини, она қабрини  
Муқаддас гўшага айлантирайлик.  
Бир катта орзу бор сўзим-сасимда.  
Бирлашиб бу кўҳна Ер куррасида  
Нафсиз музейларни қулатсак, дейман.  
Она музейлари қурсак, тикласак,  
Она музейлари яратсак, дейман!  
Бир ишни бошқариб турган фарзандлар,  
Қўзғолинг, ўлкалар, эллар, давлатлар,  
Шундай музейларга қўяйлик тамал,  
Ўша музейларда юргизган амал  
Асил қизлар бўлсин, асил ўғиллар!  
Биз ўша музейнинг хоналарига  
Қўяйлик оналар журъатларини.  
Биз ўша музейнинг хоналарига  
Осайлик оналар суратларини.  
Эски қондани, келинг, бузайлик,  
Онага таъзия, келинг, ёзайлик!  
Ёзсакки, у эмас бир оддий инсон.  
Фарзанд, фарзанд!— Деди сўнг нафасида.  
Ёзсакки, мардларча яшаб, берди жон  
Оналик амали, вазифасида.

Музейда борини тартибга солиб,  
Музей лентасига биз ёзиб олиб  
Йиғсак оналарнинг аллаларини,  
Йиғсак оналарнинг фарёдларини,  
Йиғсак оналарнинг азобларини!  
Уша музейларга экспонатдек  
Қўярдик оналар кўз ёшларини,  
Қўярдик болалар нигоҳларини,  
Қўярдик оналар бардошларини!  
Биз ўша музейга экспонатдек  
Терардик оналар игналарини,  
Илардик оналар кўйлақларини!  
Қўярдик болалар меҳрларини  
Қўярдик болалар юракларини!

\* \* \*

Биламан, у мени  
    ўйлар шу дамда,  
Оналик севгиси,  
    меҳри билан банд.  
Қадамимни тинглаб  
    ҳар бир қадамда,  
Хаёлин қуршамини  
    соғиниш, фарзанд.  
Эҳтимол, кун ботур  
    бизнинг қишлоқда,  
Уятчан уфқлар  
    қизармиш яна.  
Балки остонада  
    ўйчан турмоқда,  
Қушларга дон сепаб,  
    овуниб она.  
Гоҳ чиқар йўлимга  
    жимгина, маҳтал,  
Юраги, кўзлари  
    интиқ, хитобли.  
Балки хаёлида  
    худди шу маҳал  
Дарсдан келмоқдаман,  
    дафтар-китобли.  
Гоҳ чиқиб соҳилга  
    дарё сўзидан —  
Мавжлардан сўзимни  
    ахтарар маним.

Дўстлар нигоҳидан,  
дўстлар кўзидан  
Қошимни, кўзимни  
ахтарар маним.  
Қалбини эзганда  
ўғлининг ёди,  
У тошдан-тупроқдан  
сўроқлар мени.  
Далаларга чиқар  
битгач саботи,  
Тилсиз қирғоқлардан  
сўроқлар мени.  
Шубҳалар қўзғалса  
магар кўнглида,  
Йилдек узун бўлар  
лаҳзалар, ойлар.  
Баъзан яққол кўрса  
мени ўнгида,  
Баъзан тушида ҳам  
йўлимни пойлар.  
Гоҳ олар қўлимдан  
бор ихтиёрим,  
Менга тилагани  
бахт ила барор.  
Орзуларин санаб  
онайи зорим,  
Кўнгли ҳар лаҳзада  
бўлар беқарор.  
«Мендан ўғлимга деб  
чечак ҳам, гул ҳам»  
Йўлидан тўхтатиб  
ўтган-кетгани,  
Улардан сўрармиш:  
— Юрарми бардам?  
Ростми шоирлиги  
ҳеч битмагани?!

Орзуларинг амал  
    топгайдир мудом,  
Эй, она, сен менга  
    эзгу саодат!  
Сенга бахш этмоқ-чун  
    ҳаловат, ором,  
Ёнингга соғинч-ла  
    қайтурман албат!



## МЕН ИСТАРДИМКИ...

Менинг истагим не?  
Мен истардимки,  
Табиат телеграф  
симлари янглиғ  
Қалбларни бир жойга  
бирлаштиради.  
Барча одамларнинг  
юракларини,  
Барча одамларнинг  
тилакларини  
Буюк бир сийнада  
сирлаштиради.  
Агар шундай бўлса,  
инсонлар у пайт  
Мукаррам айларди  
бири бирини.  
Агар шундай бўлса,  
инсонлар у пайт  
Ғоят тез англарди  
бири бирини.  
Унда совуқ қалбни  
ҳеч ким қалб демас,  
Орзулар баҳордек  
гулгун бўларди.  
Инсон бир-бирига  
мансаби эмас,  
Инсоний унвон-ла  
уйғун бўларди.

Унда худбинлару  
    шуҳратпарастлар  
Узлик пардасига  
    ёпинмасдилар.  
Фақат ўз нафини  
    билган нокаслар  
Кундуз чироқ ёқиб  
    топилмасдилар.  
Бомбалар зарбидан  
    чатнамай замин,  
Ваҳший зобитларнинг  
    битарди куни.  
Ҳамма бир-бирининг  
    еярди ғамин,  
Бахтга эвриларди  
    умр мазмуни.  
Унда юракларда  
    тошарди зиё,  
Мардлик, қардошликдан  
    сўзларди одам.  
Яхшилик нурига  
    чўмилиб дунё,  
Мангу баҳор билан  
    яшнарди олам.  
Дўстим, бу орзуни  
    дема бўш хаёл,  
Бир ишчи дунёдан  
    ўтар бўлса гар,  
Бутун башарият  
    чекиб ғам-кадар,  
Унинг вафотидан  
    топгайдир малол.  
Икки ёш тўй қилиб  
    уйланган маҳал  
Анжуман тузилиб бутун дунёда,—  
Уларга бахт-яқбол тилашиб тугал,

Севинчлари бўлгай ҳаддан зиёда.  
Бир ғариб йўловчи  
жалада қолса  
Булутлар таралиб,  
пораланарди.  
Бир ширин орзуга  
тақдир чанг солса,  
Барча ҳамдард қалблар  
яраланарди.  
Бир хаста ётоқда зориққан замон  
Барча боши узра бўлиб  
парвона,  
Дунёдаги барча  
ҳаким, билимдон  
Мадад бермоқ учун  
келса шу ёна.  
Мен нима истардим?!  
Мен истардимки,  
Инсонлар шу тахлит  
бўлса меҳрибон  
Яшнаб кетар эди бу кекса  
жаҳон...

## СУРАТ

Бир сурат бор  
оиламиз хотиралар альбомида,  
У суратда уч нафармиз.  
Бир сурат бор  
оиламиз севинч, кадар альбомида,  
У суратда учовлон ҳам  
умримизнинг, кунимизнинг  
Эртасидан беҳабармиз.

Билмас эдик —  
қайда, қачон ҳаётимиз  
ниҳояси?

Шу сабабдан шоду қувноқ  
боқар эдик ниҳояти.

Боқар эдик ёқа очиқ, чеҳра  
очиқ, кўнгил очиқ,

Гўё мангу яшаш учун  
туғилгандек,

Бу ҳаётга, бу оламга  
мангу ошиқ...

Ун йил аввал...

Жабборлининг таниш уйи...

Уй олдида қучоқлашиб,  
кула-кула

Ҳасан Нажафзода ила,

Анвар Алибейли ила

Бир умрга муҳрландик  
биз бир йўла...

Алибейли папиросин  
тутатганча,  
Барҳаётдек қараб турар  
ҳамон-ҳамон.  
Унинг дарди шеърларимда  
бордир анча.  
Мисраларим оловланиб,  
Хотиралар минг товланиб,  
Мени ўртар унинг номин  
айтган замон.  
Унинг номи, азиз исми  
Анвар эди,  
Анвар сўзи дилимизда  
сарвар эди.  
Гарчи юксак вазифада  
бўлса-да банд,  
Оддий эди суҳбати ҳам,  
одати ҳам.  
Меҳрибонлик вужудига  
эди пайванд,  
Баланд эди одамларга  
ҳурмати ҳам.  
Аямасди ҳеч кимсадан  
нажотини.  
Чиқарарди ғамли дилнинг  
ҳожатини.  
Аскар янглиғ одимлади  
шоирларнинг сирасида,  
У яшади вазифаю  
шеърятнинг орасида.  
Шеър унга чўнг вазифа,  
вазифаси — шеър бўлди.  
Бу икки иш, икки хизмат  
унга олий тақдир бўлди,  
Инсон эди уйда ҳам,  
хизматда — иш бошида у.

Кўчиб кетди бу дунёдан  
эллик икки ёшида у...

Суратдаги иккинчимиз Ҳасан эди,  
Ҳасан тоза қалбли,  
гўзал инсон эди.

Кўп севарди Жовидни у,  
Мушфиқни у.

Самад Вургун янграган  
Шўх қўшиқни у.

Гарчи касби ҳакимликдир,  
Шеърятга баланд меҳри.

Шеърятга кўчган эди  
бор зеҳни-ю  
илҳом сеҳри.

Агар унинг шоирлиги  
бир инсонча диловардир,  
Инсонликда етуклиги  
бир шоирга баробардир.

Сатр-сатр, ҳижо-ҳижо  
Юракларга бўлди-ю жо,  
Бу дунёдан ўтди Ҳасан!  
Ярим йўлда қирқди ўлим  
унинг орзу-муродини,

Ўттиз саккиз ёшида у  
тамом қилди ҳаётини...

...Бир сурат бор уйимизда,  
У суратда уч нафармиз...

Энди сурат тушмасликка  
тавбадаман...  
тавбадаман...

У суратда ўлганлардан  
тирик қолиб,

Энди мен ҳам  
чавбатдаман,  
навбатдаман...

**Мен улардан хотираман,  
                    бир нафарман.  
Қайси кундуз, қайси кеча  
Ҳаётни тарк этишимдан,  
Бу дунёдан кетишимдан  
Беҳабарман, беҳабарман —  
Бахтиёрман...**

## БИР ДУНЕМ БОР...

Неча йилки йўл изларман ҳаётда,  
Бу йўлларда бор ғалабам, насибам.  
Ўз дунёмни мен кўзларман ҳаётда,  
Йўллар аро ниятларим бир олам.  
Не орзум бор шеърга солдим дил оша,  
Юрагимни радифларга очдим мен.  
Туйғулардан туғилганман ҳамиша,  
Мисраларда қанот қоқиб учдим мен.  
Мисралардир фароғатим, тинчлигим,  
Мисралардир азиятим, азобим.  
Бу ҳаётда ўз севинчим, шодлигим,  
Бу ҳаётга ўз саволим, жавобим.  
Шеър отли бир қўшиғим бор, куйим бор.  
Ундан ўзга даргоҳим йўқ, жойим йўқ.  
Қўлларимда куй таратган найим бор,  
Ундан ўзга сирдошим йўқ, найим йўқ.

Илҳомим-ла яшадим мен хокисор,  
Усиз менга нонни кесмоқ ҳаромдир.  
Унга жоним, унга бу умрим нисор,  
У биринчи овунчоғим, боламдир!  
Тўғри, ундан ризомасман ҳали мен,  
У келдими — шўх наволар яралар.  
Бир боладай сукут сақлаб қоламан,  
Шоша-шоша қоғоз бетин қоралаб.  
Саодатим — санъат учун туғилдим,  
Ҳаёт янглиғ шеърга қўйдим ихлосим.  
Шухрат учун шеър ёзмадим мутлақо,



Бисотларга алишмадим қалб сўзим.  
Не шеърлар бор — ҳа, ҳаммаси меники,  
Ҳам бутуни, ҳам чаласи меники.  
Яхшиси ҳам, ёмони ҳам меники,  
Фазилати, нуқсони ҳам меники.  
Кучлиси ҳам, заифи ҳам меники,  
Дағали ҳам, зарифи ҳам меники.

Бир дунём бор, у бунёдкор бир умр,  
Утли сонсиз ҳисларимнинг ўлкаси.  
Бир дунём бор, у дунёда бир ҳузур,  
Барқ уради келажакнинг нафаси.  
Бир дунём бор, у дунёда барҳаёт  
Инсонларнинг энг ишқлиги, номдори.  
Покизалик, эътибору садоқат —  
У дунёнинг саркардаси, сарвари.  
Қувноқлик бор у дунёда қанчалар,  
Қўрқоқлик бор у дунёда қанчалар.  
У дунёда бордир софлик — болалик,  
У дунёнинг калитидир донолик!  
Биллур-биллур туйғулардан девори,  
Киприк билан тозаланар ғубори.  
Устунлари эқидадан, имондан,  
Бунда сўздан қуёш ботиб, отар тонг.  
Нафрат унда, тўфон унда, сел унда,  
Муртадлардан ҳазар қилинг — ёт кўзга.  
Сотқинларга мен бермадим ер унда,  
Жой бермадим ҳеч бахилга, очкўзга.

Бир дунё бор, наво каби сермаъно,  
Олам ичра парвоз қилур, айтилур.  
Удир менинг идеалим — муддао,  
Ҳар бир ҳарфи қалам билан битилур.  
«Инсонлар-чун, инсонлар-чун яшамоқ —  
Бу шиорим, шиорларнинг азали.  
У ҳаётим йўлидаги нур-чиноқ,

У — бойлигим, юрагимнинг ғазали.  
Этларимни тилка-тилка кесса ҳам,  
Башар мендан ўгирса ҳам юзини,  
Гуноҳкор деб мендан умид узса ҳам,  
Йўқ, тутмадим пасткашликка кўксимни.  
Яхшиликдир ақидамда, йўлимда,  
Яхшилик — эш юрагимнинг майлига.  
Майли, мени аблаҳ дея сўксинлар.  
Мен розиман бу нек йўлда, майлига.  
Бу ном билан доим этгум ифтихор,  
Қурол билан олиб бўлмас дунё у.  
Гаразгўйлик, лоқайдликдан кўп йироқ,  
Уни асраб, авайламоқ — зўр эзгу.  
Бомбаларнинг кучи етмас дунёмга,  
Ракеталар тиши ўтмас дунёмга.  
Фақат ёвуз назарлардан асрасин,  
Нопоклик ҳеч кўрсатмасин қорасин.  
Гофил ҳийла балосидан, оҳ, кўзгу,—  
Чиркинликдан чил-чил синиб кетар у.  
Ҳаёт ўзи синов, эрур имтиҳон,  
Не-не дўстим синовлардан чиқмади.  
Не-не туйғум кўролмади ҳур инсон,  
Неча ойлар, неча кунлар ўтказдим,  
Кунларимни фурсатларга ютказдим.  
Ёшлигимни, шўхлигимни йўқотдим,  
Баданимнинг чўғлигини йўқотдим.  
Сочларимнинг қорасини йўқотдим,  
Уйимизнинг қарисини йўқотдим.  
Киприкда ўт кетирсам-да яшадим,  
Ҳаловатим йитирсам-да яшадим.  
Менга томон ёғса ҳамки қор, бўрон.  
Виждонимни йўқотмадим ҳеч қачон.  
Уни туққан онам каби асрадим,  
Сийнамдаги илҳом каби асрадим.  
Уни қора булутлардан асрадим,  
Уни шаффоф туйғуларга ўрадим.

У не деса меёр бўлди мен учун,  
Унинг ўзи шиор бўлди мен учун.  
Қулоқ осдим виждонимнинг сўзига,  
Виждон ўзи посбон бўлди ўзига.  
Усиз, ҳақ гап, на йиғладим, на кулдим.  
У билан мен толеимдан ўргилдим.  
Виждонимнинг амри билан яшадим.  
Ҳар бир ишда удир менинг шоҳидим.  
Унинг билан нурафшондир ҳаётим,  
Унинг билан диёримда роҳатим.  
Ниятларим ҳамроҳимдир йўлимда,  
Нурли тонгинг ишқи порлар кўнглимда.  
Зарра бўлиб, ирмоқ бўлиб яшайман,  
Йўлларида чироқ бўлиб яшайман.  
Ҳаётга тик, ҳалол боқдим, эй, ошнам,  
Бир лаҳза ҳам матлабимдан чекинмам.  
Ўз дунёмни кўзлай-кўзлай яшайман,  
Ўз дунёмни излай-излай яшайман!

## ШИОРЛАРГА ҚУШИНГ БИР ШИОР!

Азиз дўстим, нима қилдик?  
Бу одамлар юрак сабаб кўп ўлди-ку,  
Буни кўриб гоҳи ақл лол бўлди-ку,  
Қалбимдаги умид, имон  
Чечаклари гоҳ сўлди-ку.  
Юракларин дард чалганлар  
Бу дунёдан сўзлаб-ўйлаб,  
яйраб, кулиб  
кетиб борар.

Ўлимини кўзи билан  
таниб, кўриб  
кетиб борар.

Улар уйда на бирор ой ётган бўлар,  
На заифлик, на дардманлик кўрар улар.  
Бирдай кўркем, бирдай хушюз,  
Бирдай соғлом ўлар улар.  
Қачон шундай одамларни  
Сўнгги ерга кузатганда  
Ғаройиб ҳол бўлар манда;  
Назаримда марҳум ҳозир  
тобутидан шарт турару  
бор овозда бақиради:

— Улмагандим,  
Уйнашувдим,  
Эди ҳазил.

Юракларин дард чалганлар  
кўплаб кетар,  
илдам кетар.

Юрак сабаб кекса ўтар,  
Еш ҳам ўтар.  
Кучинг етса, сен уларни асраб қолгил.  
Бир қарасанг, ёнингдаги азиз дўстинг  
Эртакларда ёзилгандек  
Даб-дурустдан ҳайкал бўлар,—  
Тошга кўчар.  
Қараб турсанг, бошқа бири  
Бирдан ушлаб юрагини йиқилару  
Бир абадий уйқу қучар.  
Кеча оқшом бирга бўлган бир тенгқурнинг  
Чиқиб қолар газетада ўлди, дея,  
Саҳар палла расми, оти.  
Ахир нега бу одамлар  
Юрагидан бундай тезу осон ўлар?  
Вужудимда оғриқ турар.  
Ер юзида юрак оқсаб миллион-миллион  
инсон ўлар.  
Бу атомдан, ракетадан даҳшатлидир.  
Бефарқликлар тилкалайдир юракларни,  
Кўксимизда патирлаган эзгу қушни  
Ёлғон, қўрқув эзиб ейди.  
Ўз-ўзимча ўй сураман  
маҳзун-маҳзун,  
оғир-оғир,  
Бундай бўлди, нечун, ахир?  
Нега ахир, инсонларни  
Тирик чоғи ваҳший дерлар.  
Улгандан сўнг яхши дерлар.  
Нечун ахир бир-бирларин  
Тирикликда тиглайдилар.  
Улгандан сўнг йиғлайдилар?  
Ўй сураман...  
Нигоҳлардан кўнгилларга  
Ўтар туйғу деган симлар.  
Шу симлардан юракларга

Оқар кулфат, ғам, заққумлар.  
Шу симларни майдалайлик  
Майда-майда бўлсин улар.  
Яна ҳассос, яна нозик  
Бўлсин ахир бу кўнгиллар!  
Қурбон этар юракларни  
Нигоҳларнинг дуэллари,  
Мансабларнинг дуэллари,  
Шухратларнинг дуэллари,  
Қурулларнинг дуэллари...  
Эй, дўстларим ҳали соғлом  
        юрагимда бир орзу бор,  
Шиорларга қўшинг яна битта шиор!  
Бу шиорни ёпиштиринг эшикларга,  
        деворларга!  
Ҳеч бўлмаса бир ракета  
        харажатин шу шоирга,  
        сарфлайлик!  
Газеталар бетларида  
Бу шиорни босиб, яна  
таърифлайлик.  
Ер-ҳавода беринг уни,  
Радиоода беринг уни.  
Тоғларга ҳам, чўлларга ҳам  
Ёпиштиринг,  
Ёпиштиринг кўчаларга, теракларга,  
Тилларга ҳам, кўзларга ҳам ёпиштиринг,  
Муҳрлайлик у шиорни юракларга!  
Балки шунда чек қўйилар  
        қалблардаги ғуборларга.  
Шундай шиор қўшилсин бор шиорларга:  
Инсонларнинг асилини, керагини  
Қўриқлайлик,  
Келинг, келинг, эй одамлар,  
Бир-биримиз қалбимизни қўриқлайлик!

## ТОҒЛАРГА ЧИҚҚАНДА...

Баҳор чоғи чиқдим тоғлар тўшига,  
Қуёш ёғдусига уфқ кўмилди.  
Гўёки қоялар келди қаршимга,  
Гўёки ёнимда чўққи кўринди.  
Бургутлар ҳавода сузгани мисол,  
Бошимда чарх урди минг турфа хаёл.  
Кўрганда бу буюк, мағрур тоғларни  
Унутдим дунёнинг майда доғларни.  
Нимжон севгиларни, муҳаббатларни,  
Нимжон ҳақиқатлар ҳам нафратларни,  
Унутдим беқиёс орсиз юзларни,  
Аянчли ялтоқлар, маслакисларни;  
Фақат ўзин ўйлаб, қанот қатида  
Фақат ўзи учун ташиганларни.  
Бу буюк юраклар мамлакатида  
Чумчуқ юрак билан яшаганларни,  
На зеҳни, саводи, на-да истаги  
На ҳулё, орзусин қилолмасдан юз —  
Хотин-қизларининг турфа безаги  
Ҳам гилам-палосин этганни кўз-кўз...  
Улкан фикрларни рандалаганлар,  
Йирик туйғуларни майдалаганлар,  
Салқин тушган палла титраганларни,  
Пиёздан кўз ёши питраганларни —  
Унутдим, кўрганда юксак тоғларни,  
Хаёлдан чиқардим талай доғларни.  
Унутдим бачкана, «сахий» эрларни  
Бачки шоирларни, майда шеърларни.

Утгану кетганнинг тўсиб йўлини  
Мағзи йўқ шеър ўқиб бақирганларни,  
Томоғини йиртиб, силтаб қўлини  
Минбарда илҳомни чақирганларни.  
Унутдим дунёни бошга кўтариб,  
Шоирлик шаънини ерга урганни,  
Пушкиннинг шахсини қорага қориб,  
Собирни сўкишга тайёр турганни.  
Бутун ҳаётини, истеъдодини  
Бир варақ дипломга сотганларни ҳам.  
Олимлик ғурури, шуҳрат, отини  
Енг ичида мужиб ётганларни ҳам.  
Бу тоғлар нақадар буюк кўринди,  
Ожизлар бир ўксик ҳам юк кўринди,  
Қаршимда жонланди минг-минг зиддият:  
Баъзи бир тириклар ўлимтик, жасад,  
Баъзи бир ўлганлар тирик кўринди.  
Боқдим чўққиларга, қуёшли, қорли,  
Умримни тоғлардек ўтказсам, дедим.  
Неки бор бўлсайди тоғдек виқорли,  
Ҳар ишни тоғларга етказсам, дедим.  
Ҳамма одамларнинг юракларини,  
Ҳамма юракларнинг тилакларини,  
Кичик вазифада юрганларни ҳам,  
Йирик вазифада турганларни ҳам,  
Пода ҳайдаганни, канал қазганни,  
Либослар бичгану ғазал ёзганни,  
Ранги қораларни,  
Ранги оқларни,  
Умидни, орзуни, иттифоқларни  
Тоғдек матонатли кўрмоқ истадим.  
Сервиқор, қудратли кўрмоқ истадим.  
Уйладим, ҳаётда кичиклик нима?  
Кичиклик, бу экан катта фожиа!  
Қара, мўлтирайди булоқнинг кўзи,  
Шундай тура берса, бу кулгили ҳол.



Улгаяр ўзига йўл топиб ўзи,  
Курашиб-тўқнашиб бўлар баркамол.  
Кўзимга ташланди қудратли тоғлар,  
Тоғларми ё халқлар, уруғ, аймағлар?!  
Бошида булутлар кезган паллада,  
Бардошин довуллар эзган паллада,  
Кўксига ўт тушиб ёнган паллада,  
Энг оғир синовга қолган паллада  
Халқ каби азмини асрашга қодир,  
Кучини, вазнини асрашга қодир,  
Тилини, шеърини асрашга қодир —  
Миллатлар ичида, эллар ичида,  
Бу сонсиз-ҳисобсиз ерлар ичида  
Тенги йўқ ерини асрашга қодир  
Қудратли ҳам мағрур халқлар кўринди,  
Мисоли залворли тоғлар кўринди.  
Боқдим чўққиларга —  
Қуёшли, қорли.  
Умримни тоғлардек ўтказсам, дедим.  
Ҳар нарса бўлсайди тоғдек виқорли,  
Ҳар ишни тоғларга етказсам, дедим.

## ГУЁКИ...

Қачонки ёзмасам, тарк этса хаёл,  
Наздимда илҳомим бўлган каби лол.  
Гўёки ҳаммадек ётиб тураман.  
Ҳаммадек умримдан мамнун юраман.  
Ҳаммадек қарайман гўё атрофга,  
Ҳаммадек қарайман гўё офтобга.  
Ҳаммадек қарайман одамга гўё —  
Ер гўё жўнлашиб қолаётгандек,  
Кўк гўё жўнлашиб қолаётгандек.  
Ҳайқирар поездлар, гавжум эл-юртлар,  
Ҳар кимга бир орзу, бир умид ёрдир.  
Лекин сўз мулкимда ҳоким сукутлар.  
Бутун учрашувлар, суҳбат, баҳсларга  
Мен бўлсам уялиб, ўйланиб бордим.  
Иўлда ўқувчилар тез-тез тутишар:  
— Янги шеърдан борми?  
— Бор,— деб куламан.  
Бироқ туйғуларим четлаб ўтишар,  
Шеъримсиз, хўш, кимга керак бўламан?  
Кўнглим ёритмади бу ёруғ олам,  
Оддий шамолдан ҳам бебаҳра қолдим.  
Онам оқ сочидан бўлдим кўп мулзам,  
Еганим ҳар луқма нондан уялдим.  
Зеҳнимда бутунлай чалкашди дунё,  
Мисли кўрмай қолдим,  
Мисли қар бўлдим.  
Энг оғир тўқнашув, жанг чоғи гўё  
Уқлари тугаган бир аскар бўлдим.

Шунақа бесамар турдим, ўтирдим,  
Ҳаттоки хуш кунлар ёзмади дилим.  
Дўстлар даврасида нўноқ, тутилдим  
Ёқмади ҳаттоки туғилган элим.

Гўё камаярди кучим, қувватим,  
Мени тарк этарди руҳим, журъатим.  
Уч ярим миллиардлик инсонлараро  
Нафсиз, кераксизи мен эдим танҳо.  
Эзди юрагимни далалар, чўллар,  
Энг буюк тоғлар ҳам кичрайгансимон.  
Ўйладим бир куни ҳақталаб қўллар  
Дафъатан ёқамдан тутгай бегумон.  
Сўнг мени саволга кўмиб ташлагай  
Виждон тафтишини шаксиз бошлагай.  
Бошимга бир тўфон солади улар,  
Тириклик амолим олади улар.  
Тўсатдан чироғим сўндиради ҳам,  
Бекорчи қаламим синдиради ҳам.

Гўёки туйғулар яшнади, балқди,  
Бағримда уйғонди бир эзгу сурур  
Ва ёниқ мисралар қоғозга оқди,  
Шу тарзда низомга тушди-я шуур,  
Шу тарзда низомга тушди-я гурур.



Қофиялар қуролланиб  
сафлашадур.  
Ҳамма эски оҳ-воҳлару  
саволларни кўчиргайман  
сен келганда.  
Поэзия зилзиласин кечиргайман  
сен келганда.  
Талай кўҳна хаёлларнинг  
ярасини янгиларман.  
Энг аввало кўзга сургум қишлоғимнинг  
чангидан ман.  
Кезингайман эски, пастак  
уйимизнинг  
сўл-соғида.  
Ўтиргайман асов, ўжар,  
шўх сойимиз  
қирғоғида.  
Болаликда бўлган каби  
чўмилсам деб  
кўнгил шошгай,  
Бироқ янги дазмолланган  
усти бошим  
эсга тушгай.  
Бир замонлар...  
на оққаю,  
на-да кўкка  
қарамасдим,  
Эски-янги деб ўтирмас,  
Ҳеч нимани аямасдим.  
Тўғри ахир, таниш-билиш  
Кўргай мани деб қўяман...  
Танда титроқ ҳам туяман.  
Аммо бир вақт на танишу  
билиш билан  
йўқди ишим.  
Катта ўтар, кичик қарар,



Ҳол сўрайман, эски дўстлар,  
Эй, тулкилар, эй, қуёнлар,  
Омонмисиз?  
Сизни ташлаб кетганимга  
Кўча-кўйда ғийбат қилган  
таниш жонлар,  
Омонмисиз?  
Сиз шеъримнинг энг муқаддас  
торларига жаранг, ҳамкор,  
«Тиф сойи»дек бўзармоққа,  
ранжимоққа ҳақингиз бор.  
Ҳақингиз бор, жон тикмадим жонингизга,  
Гуноҳқорман камроқ келдим ёнингизга.

Омонмисиз, боларилар,  
эй, ғайратли заҳматкашлар?

Мени юз-юз хотиралар  
оғушига сиз-ку бошлар?!

Ёнингизга шеърү илҳом  
қарз олгани  
келдим яна.

Заргарларим, зар тергали  
қошингизга  
елдим яна.

Сиз юксаксиз, яна юксак  
кўчармисиз?!

Балки бир вақт қўлларимдан  
қочиб кетган  
ёшлигимга  
учармисиз?!

Бормисиз, ҳей кўк бедалар!  
Қўзиларга дастлаб тутган  
Букетларим?!

Омонмисиз, чигирткалар,  
маним эски ракетларим?!

Сўлим баҳор,  
Сен келганда  
Оташ солиб қалб,  
Ниятга.  
Юрагимнинг қопқалари  
Кенг очилгай  
Эзгуликка,  
Шеъриятга.



## БИЗНИНГ АСР

Кўп гаройиб, кўп мароқли  
бир асрда яшаяпмиз.  
Ерга боғлиқ, кўкка боғлиқ  
бир асрда яшаяпмиз.  
Бир қутбидан буюк Ленин  
учиб чиқди нурдай шитоб —  
Тўниб ётган Русиянинг  
сийнасига тегди офтоб.

Ленин ҳаёт дарёсини  
тўғри йўлга буриб кетди.  
Хуш умидлар, хуш орзулар,  
гўзал ҳислар бериб кетди.  
Баҳор каби башарият  
яшнаб кетди насл-насл,  
Ленин сўзли, Ленин кўзли  
бизнинг аср, бизнинг аср.

Бир қутбидан Гитлер чиқди,  
асримизга зулмат тўлди,  
Орзулари қирғин, босқин,  
уруш, сургуи, осқин бўлди.  
Не-не сарҳанг зир титради  
назаридан, юришидан,  
Қўлқоп, ҳамён тикдирди у  
инсонларнинг терисидан.  
Юракларни ғусса босди,  
кўзлар қадоқ, яра бўлди.

Сунъий оёқ, сунъий қўллар,  
сунъий кўзлар яратилди.  
Инсонларни ҳалокатга  
қон, кулфатга суриб кетди.  
Освенцимлар, бухенвальдлар,  
вайроналар қуриб кетди.

Башарият ўлим кўрди,  
кулфат кўрди насл-насл,  
Бир оз Гитлер нафаслидир  
бизнинг аср, бизнинг аср.  
Яна танклар ер юзида  
бўкиради оғир-оғир,  
Бир оз уруш нафаслидир  
бизнинг аср, бизнинг аср.

Инсонларнинг асаблари  
тордай гаранг қишин-ёзин,  
Дайдиб учган ўқ товшидан  
олам гаранг қишин-ёзин.  
Бир асрки ақли тўла,  
ҳуши тўла, камол тўла,  
Бир асрки жумбоқ тўла,  
жавоб тўла, савол тўла.  
Агар ўчоқ сўнса, айтинг,  
ўйнарларми кули билан?  
Ер курраси безанади  
атом билан ё гул билан.

Илон каби тўлғонётган  
бир асрда яшаяпмиз.  
Нафасидан уран чиққан  
бир асрда яшаяпмиз.  
Толеларнинг зарбалари  
кашф этилди бу асрда,

Атомларнинг зарралари  
кашф этилди бу асрда.

Бошида минг ғаму савдо,  
саркиси<sup>1</sup> бор асримизнинг.  
Чўллариди бомбалардан  
саркиси бор асримизнинг  
Қурол билан қўриқларлар  
қуролларнинг эшигини,  
Ракеталар, тайёралар  
тайёротун бешигида...

Ракеталар номи ҳатто  
кашф этилди бу асрда,  
Кўкнинг етти қавати ҳам  
кашф этилди бу асрда.  
Фақат ҳали миллион кўзда  
ҳасрат, мотам туманлиги,  
Ҳеч ким билмас, нега аста  
емиради инсонликни.

Улим, инфаркт давосини  
тополмади бизнинг аср.  
Олчоқликнинг давосини  
тополмади бизнинг аср.  
Кўп ғаройиб бир асрда  
қариб-қариб яшаяпмиз.  
Биз билмаган сирлар бордир,  
биз бари бир яшаяпмиз.  
Бир асрки, қовуштирар,  
қовуштирар миллионларни,  
Бир асрки, етим қилар  
миллион дўстни, миллион ёрни.

---

<sup>1</sup> Саркиси — яраси, жароҳати.

Битта қўли атомлидир,  
битта қўли шафқатлидир,  
Бир ўлкаси қирғинлидир,  
бир ўлкаси ракетлидир.  
Бир тарафда оллоҳ, дея,  
муллалари қилса фарёд,  
Бир тарафда фазогирлар  
оллоҳларни қилар барбод.  
Кўп тазодли, кўп ғаройиб  
бир асрда яшаяпмиз.  
Истеъдодли ҳам девона  
бир асрда яшаяпмиз.

## ЎЛМАС ШЕЪРЛАРИМ

Бу дунёда омон бўлинг,  
    завол кўрманг, болаларим.  
Севинчларим, азобларим,  
    алвон чечак, лолаларим.  
Сизлар билан йиғлаб-йиғлаб  
    бу дунёга неча келдим.  
Бевошгина бола эдим,  
    бевошларга ота бўлдим.

Дўмбоқларим, хунукларим,  
    пучуқларим, качалларим.  
Қийнаб-қийнаб онамни ҳам  
    момо қилган дачалларим<sup>1</sup>.  
Сиз келдингиз, шуш келдингиз,  
    ўз-ўзимни унутдим мен.  
Сиз келдингиз, шўхлигимни,  
    «мен» сўзини унутдим мен.

Қайга бормай, сизлар учун  
    она қушдай ризқ терарман.  
Бирин-кетин чақирарман,  
    тенг бўларман, тенг берарман.  
Бу Мушфиққа, бу Виқорга,  
    мановниси, Мирза сенга.  
Ўзимни ҳеч ўйламадим,  
    демадим ҳеч манов менга.

---

<sup>1</sup> Д а ч а л л а р и м — эркатойларим.

Аҳволингга қарамайсан,—  
куйиб-куйиб, дейди онам.  
Гўдагимсан, боламсан-да,  
сочларингга оқ кирса ҳам.  
Болаларим, сиз чечаксиз,  
тирмашасиз нур-зиёга,  
Уч нафар ўт-олов инсон  
совға қилдим бу дунёга.  
Миллионлар қаршисида  
жавобгарман сизлар учун.  
Кеча-кундуз ўйланарман,  
шеър ёзарман сизлар учун.  
Салом менинг мирзаларим,  
виқорларим, мушфиқларим,  
Юрагимнинг ранглари-ей,  
юрагимнинг шуълалари.

Болаларим, ҳей болалар —  
мангуликнинг обидаси.  
Не-не гўзал асрларга  
бораётган одам саси.  
Кундуз эсиб, шомлар эсиб  
муз, оловни яларман мен,  
Қалбим сўзин минг бор кесиб  
қалбингизга жойларман мен.  
Истакларим, ҳавасларим,  
орзуларим, амалларим,  
Ўзим каби тирик кўзли,  
тирик сўзли ҳайкалларим.  
Уйғонарсиз йиғлаб-сиқтаб,  
ўйнаб-кулиб кечалари.  
Адашарман, унутарман  
вазнларни, ҳижоларни.

Болаларим, сизга айтмай  
кимга айтай бу дардимни.

Агар Мушфиқ омон бўлса  
бу ҳолимга чидардими?  
Омон бўлинг, сизлар учун  
қанд оларман, бол оларман,  
Ҳаваслардан, орзулардан  
кечиб-кечиб лол қоларман.

Сизни асраб ўстирарман,  
сатр-сатр яратарман,  
Яратарман, дўст-душманга  
сатр-сатр қаратарман.  
Салом, дўмбоқ болаларим,  
севинчларим, азобларим,  
Неча-неча ёзилмаган  
шеърларимга жавобларим.

Бир кун келиб сизга айтган  
сўзларимдан тонмасман ҳеч.  
Сизлар учун бир мансабдор  
қаршисида тўнмасман мен.  
Тўйингизни кўрарман-да,  
ўз бурчимни ўтарман ҳам,  
Сўнгра жимлик, сўнгра роҳат,—  
бу дунёдан кетарман ҳам.

Мендан кейин ўз умрида  
бола учун озмаганлар —  
Хатоларин билмаганлар,  
бирор нарса ёзмаганлар,

Кам ёзарди Жобир деса  
бола учун озмаганлар,

**Савобли иш қилмаган ҳам  
бирор нарса ёзмаганлар.  
Шунда чиқинг мана биз, деб  
гўзал шеърлар, сатрларим.  
Мана, биз денг, мирзаларим,  
мушфиқларим, виқорларим.**



## ЭЪТИРОФ

(Лирик сатира)

Қуршаганда молу давлат,  
зебу зийнат, ёмон ёзгум.  
Қуршаганда шону шуҳрат,  
ишқу ҳурмат ёмон ёзгум.  
Кам назмлар энди мени  
Ўтдан олиб, ўтга солур.  
Сезмакдаман: юрагимда  
Ўт йўқолиб, куллар қолур.  
Энди фақат ўз-ўзимни  
овутарман, иситарман.  
Ҳаётим ҳам аста чирир,  
тушунарман, ҳис этарман.  
Хўп севаман ўз уйимда —  
Ўз қинимда яшамоқни.  
Яхши яшаб, ўйнаб-кулиб,  
зўр ичмоғу зўр эмоқни.  
Одамлар бор менинг учун  
Ўтга кирар, ўтдан чиқар,  
Ҳаммаси ҳам секин-секин,  
бирин-кетин ёддан чиқар.  
Қуршаганда бахту омад,  
шону шуҳрат, ёмон ёзгум.  
Не ёзмайин тўғри бўлур,  
шувинг учун ҳамон ёзгум.  
Уйимизга қўша-қўша  
давлат келур, шеър кетажак,  
Қўша-қўша молу давлат  
илҳомимни еб кетажак.

Дўсту ёрлар қадам узар  
уйимиздан бирин-кетин,  
Гўзал ҳислар қадам узар  
уйимиздан бирин-кетин.  
Умрим оқар, умрим боқар,  
на булбул, на гул бўлурман.  
Совигайман, соврилгайман,  
чирирман ҳам кул бўлурман.  
Езув хонам серҳашамат,  
қўша гилам, дур безакли.  
Деворларда неча доҳий,  
неча арбоб расми, шакли.  
Бордир гўзал иш столи,  
аммо ашъор садоси йўқ.  
Безаги кўп, пардози кўп,  
фироғи кўп, маъноси йўқ.  
Қайда қолди орзуларим,  
жўшқинлигим — ул ҳаваслар,  
Хаёлмиди, рўёмиди  
ўша олис, сирли саслар.  
Машаққатни асло-асло  
йўлатмайман яқинимга,  
Қўшилмайман инсонларнинг  
гувиллаган оқимига.  
Яшаяпман ҳамма каби,  
умрим оқар, сокин бирдай.  
Кам бораман, кам бўламан  
ўзим униб-ўсган ерда.  
У ерларда тушарман мен  
сўздан яна, кўздан яна,  
Уйланаман, не чиқаркин  
биздан яна, биздан яна.  
Яхши бўлсин дейман, емак,  
яхши бўлса бўлди, кийим.  
Дейман яна яхши бўлсин,  
юриш, туриш, номим, уйим.

Менга нима, фалон одам  
хароб бўлса, хароб бўлса.  
Менга нима, ёмон шоир  
сероб бўлса, сероб бўлса.  
Мана шундай, қўлим совуқ  
орзуларнинг этагида.  
Бошим жонсиз фикрларнинг  
этагида, этагида.  
Яшаяпман ҳамма каби,  
ками-кўстсиз, сокин, осон.  
Биров келиб уял, демас,  
бетга солмас бирор инсон.

## БОБО ЮРТИМ

Неча йилдир юрагимда  
тугун ётар, тугун ётар.  
Неча йилдир юрагимда  
сукун ётар, сукун ётар.  
Неча йилдир бeфaрoғaт  
самимият излайман-эй,  
Асл севги, асл нафрат,  
асл ҳурмат излайман-эй.  
Қалбга илҳом кирган чоғи,  
кўзим ёшга тўлган чоғи,  
Бағримдаги ол чечаклар,  
асл гуллар сўлган чоғи  
Қушдай учар хаёлларим  
ларза солиб ҳаволарга,  
Болалигим қолиб кетган  
олис, танҳо маъволарга.  
Соғинтирар аждодларнинг  
қабар-қабар соз тупроғи,  
Соғинтирар кўз тупроғи,  
сўз тупроғи, ўз тупроғи.  
Ул ерларда яйраб-яшнаб,  
севинарман ҳам жўшарман,  
Мангу тоғлар сукутига  
ўз сукутим ҳам қўшарман.  
Бахш этарман шодлигимни  
мендан шодроқ уммонларга...  
Бахш этарман ғам-ғуссамни  
тоғдай оғир туманларга.

Бергум қайноқ илҳомимни  
шалолога, боғ зорига,  
Таъзим қилгум қайта-қайта  
боболарнинг мазорига.  
Қайтадирман ўзим ўсган,  
ўзим юрган йўлкаларга,  
Садаларнинг кўнра товши,  
осмон янглиғ кўлкаларга.  
Бир замонлар мени чаққан  
арилар-ла ярашарман.  
Ойдай сулув, сувдай сулув  
табиатга қоришарман.  
Ҳо-о-ой, деярман йироқларга,  
сасим етар чўнг тоғларга,  
Юрагимга садо тушар,  
яна қайтгум ул чоғларга.  
Ёдга тушар дарахтларга  
тирмашганим, йиқилганим,  
Тоғу тошда олқор каби  
сакраб-сакраб қоқилганим,  
Жалаларда чумчуқ каби  
ивганим, совиганим,  
Ёдга тушар гиёҳлар-ла  
чирмашганим, ёқилганим...  
Эркин қалбим шаҳарларга  
кўникмади ҳам сизмади,  
Бу ерларда ҳаво туғма,  
гиёҳ туғма, сув туғмадир.  
Қушлар мени таниб бунда  
яйраб, яшнаб, чаҳ-чаҳлашар,  
Қулоғимга тўлиб кирар  
шивир-шивир, қаҳ-қаҳлашлар.  
Хумор-хумор булоқларнинг  
қўшиқларин куйга солгум,  
Ҳеч қийналмай тулки ғори  
қайдалигин айта олгум.

Одам борки, ровушидан  
юз оғочдан танигайман,  
Одам борки, товушидан  
юз оғочдан танигайман.  
Қайда емай, танийман-да  
болини ҳам, тузини ҳам,  
Танийман-да гулини ҳам,  
сувини ҳам, сўзити ҳам.  
Гулноз хола, Пари, Ҳожар  
очар қайноқ қучоғини,  
Гар-чи бирор марта ҳатто  
кўрмасам ҳам ушоғини,  
Минг-минг гўдак орасидан  
танийман-да чироғини.  
Шомларини сукунидан,  
кунларини шамолидан  
танийман-да,  
Ҳар кимини, кўрмасам ҳам  
чўллар каби курагидан  
танийман-да.  
Менинг сувдай ҳаётимда  
сувдай оқдинг, бобо юртим!  
Ҳисларимнинг илк маркази,  
сўнг пойтахти, бобо юртим!  
Мана бугун мен сен билан  
юзма-юзман, бобо юртим!  
Софликда ва шеърятда  
кўзма-кўзман, бобо юртим!  
Айланаман бу дунёни  
бол ахтарган ари каби,  
Кўришлардан, кулишлардан,  
юришлардан, туришлардан,  
Тоғлардаги, чўллардаги,  
юзлардаги тиришлардан  
Самимият излайман-да.  
Не-не ёнғин, не қиргиндан

омон қолдинг, бобо юртим!  
Не-не турғин, не юрғиндан  
омон қолдинг, бобо юртим!  
Буюк мовий осмонингда  
буюк мовий тўфонлар бор,  
Тоғларингда сарғармаган  
чечаклар бор, туманлар бор.  
Сахий, танти қучоғингда  
хўрланмаган инсонлар бор,  
Ёзилмаган дostonлар бор,  
бобо юртим, бобо юртим!

## ҲАЁТ ТУҲФАЛАРИ

Туғилганда ҳар инсонга  
    баб-баравар қарар толе,  
Барчага ўз туҳфаларин  
    баб-баравар берар толе.  
Ранжитмасдан улашади  
    ҳаммага ўз ҳадясини,  
Ҳаммага дил ҳадясин ҳам  
    ҳаммага сўз ҳадясини.

Туғилганда ҳар инсонга  
    толе тўқис жисм бергай,  
Қўлу оёқ, кўзу қулоқ,  
    ҳам муносиб исм бергай.  
Ватан бергай, юрак бергай,  
    само бергай, зиё бергай,  
Хуллас, ҳар бир инсонга у  
    туҳфаларин расо бергай.

Толенинг бу туҳфалари  
    бировларга етиб ортар,  
На руҳини яшнатар у,  
    на машаққат, азоб тортар.  
Кўзу қоши қандай бўлса  
    то ўлгунча шундай қолур,  
Қалби, боши қандай бўлса  
    то ўлгунча шундай қолур.



Қўл-оёғи, хулқ-атвори  
    зариф бўлур ёйлиқ<sup>1</sup> каби.  
Асаблари совуқ бўлур  
    балиқ каби, балиқ каби.  
Усаверар бўю баста,  
    ўсаверар, ҳақли, аммо.  
Усмай қокур то ўлгунча  
    кўзи, қалби, ақли аммо.

Унга оғиз, қорин фақат  
    керак жигилдони учун,  
Ҳатто ватан унга фақат  
    керак бўлур нони учун.  
Юрагига неча-неча  
    қон айланиб келиб кетур,  
У туғилган бўлса қандай,  
    шундайликча ўлиб кетур.

Одамлар бор, яшамаслар  
    фақат толе, қонун учун.  
Табиатнинг туҳфалари  
    камлик қилар унинг учун.  
У тақдирга кўникмайди,  
    табиатга қарши чиқар,  
Турли-туман туҳфаларга,  
    бу ҳурматга қарши чиқар.

Илк мартаба азоб билан  
    туққан бўлса ўз онаси,  
Қийноқ билан туғар аста  
    иккинчи бор замонаси.  
Орзуларин қуёшнинг ўт,  
    зиёсига тенглаштирар,

---

<sup>1</sup> Ёйлиқ — дурра.

Қўл-оёғин ҳаракатнинг  
маъносига тенглаштирар.

Инсонларни ўйлар мудом —  
кадарли ҳам хуш чоғида,  
Виждонини яшнатар у  
қўлларининг қадоғида.  
Сийнасига босар қаттиқ  
бироҳатлик елларини,  
Замонанинг юрагига  
улар асаб қилларини.

Толе берган сўзлар билан  
минглаб тоза сўз топажак.  
Толе берган сўзлар билан  
минглаб тоза кўз топажак.  
Бир кўзда минг маъно йиғур,  
ракет йиғур, зиё йиғур,  
Бир кўзга минг нафрат ёғур,  
жафо ёғур, вафо ёғур.

Сийнасига ватанини  
пайванд қилиб, бирлаштирур.  
Пайванд қилур самоларни  
тупроқ билан сирлаштирур.

Инсонлар бор, бу дунёни  
сўкиб кетур, сўйиб кетур,  
Она-замин кўзларини  
чўқиб кетур, ўйиб кетур.

Инсонлар бор, бир қўлини  
у дунёга олиб кетса,  
Бир қўлини бу дунёга  
ачинмасдан қўйиб кетур.  
Бир кўзини олиб кетса  
бир кўзини қўйиб кетур,

Бир қалбини олиб кетса,  
    бир қалбини қўйиб кетур,  
Улимини зулмат сари  
    олиб кетса, олиб кетса,  
Ҳаётини бу дунёда  
    қўйиб кетур, қўйиб кетур.

## ОНАМ ҚИЗИЛГУЛГА

Умидим, таянчим, меҳрибон она,  
Тинглагил бир фурсат кўнглимдагини:  
Сийнам оз бўлмаса тутшиб ёнар.  
Ажаб ўз ҳолимга қўймасдан мени.

Чеҳрангга из солган талай ажинлар  
Менинг ғамларимдир, кадарларимдир.  
Сенда о, маънили боқишларки, бор,—  
Маним олтин сочли саҳарларимдир.

Она, не савдолар кўрмади бошинг,  
Отам, бир дунёдан кетди бир саҳар,  
Кетди ҳаёт дўстинг, ҳаёт йўлдошинг,  
Кетган қайтмас дерлар, на ғамли хабар!

Умрин гўзал чоғи, ёшлик дамлари  
Кўп хотин қувонган бўлса эрига:  
Сен кетмон урардинг эркаклар каби,  
Утин ёрар эдинг эркак ўрнига.

Бир қўлда ўқлоғи, бир қўлда ўроқ,  
Пичан ҳам боғладинг, патир ҳам ёпдинг.  
Буғдой тўла қоплар турганда саф-саф  
Узингни энг бахтли она санадинг.

Бу ҳаёт келмади асло кўнглимга,  
Бир бор гўдак кўксим алам кўрмади,  
Сен ямоқли кийим кийдинг эгнингга  
Менинг пайпоғим ҳам ямоқ бўлмади.

Биламан нақадар қисқарди умринг  
Гоҳ ёмон одамлар бизга кулганда,  
Гўёки сен атлас кийгандай бўлдинг ✓  
Эски кўйлагимни янги кўрганда.

Сен дардни, ғуссани, гамни тарк этдинг,  
Мени ҳар балодан сақладинг, она!  
Сен бориб хилватда қуруқ нон единг,  
Мени бол-ла, мой-ла боқдинг, э она!

Уқубат кўрганда биз она-бола,  
Сенинг бу дунёга сиғмасди дардинг.  
Яшадинг виқор-ла, кездинг виқор-ла,  
Уйингдан эшикка чиқмади дардинг.

У ўтган кунларни ким унутар, ким,  
Тўкин эмас эди уйимизда нон.  
Мен-ку ҳеч қашшоқлик бетин кўрмадим  
Қашшоқ бўлса ҳамки бизнинг хонадон.

Энди вақтлар ўтиб, ўзгариб замон  
Дудоғинг инжиса сўзимни бергум.  
Кўзимдай асрарман сени, онажон,  
Кўзларинг кўрмаса кўзимни бергум.

Она, чарчамасман «она» демоқдан  
Кўй, ҳолингга ёнган мен бўлай, она.  
Энди тўхта, сени парвариш қилай,  
Энди тўхта, она, мен бўлай онанг.

## ҚОР ҒАР

Қор билан кўмилган боболар ери,  
Сўнгсиз денгиз каби дашт ила ёбон.  
Тинмасдан қор ёғар қачондан бери,  
Нақадар топ-тоза, қандоғам хўбон!

У боқмас кўзингга, кўзига боқсанг,  
Софликда болага ўхшаб кетади.  
Уни гар кўтариб юзига боқсанг,  
Уялар ва аста эриб-битади.

Қара, ер устига ёғилар бир-бир,  
Тинар юрагимнинг севинчи, ғами.  
Ҳар бири мен учун бир хотирадир,  
Ҳар бири фикримнинг ёлқини, шами...

Кечар хаёлимдан Упа<sup>1</sup> йўллари,  
Ажабо кентда ҳам ёғарми энди?  
Тўп қилиб отарми уни болалар,  
У ҳам болаларга ёқарми энди?!

Дам-бадам қағиллаб қора қарғалар,  
Кезарми чўлларда қаторлаб бари.  
Излари ёпилган, йўлаклар ҳам қор,  
Ҳеч келиб бўлурми булоқлар сари?!

Кексалар ва ёшлар тушади ёдга,  
Юракда орзулар баҳор-баҳордир.

---

<sup>1</sup> Қишлққ номи.

Азалдан бор гап бу, кўҳна дунёда  
Чечакдай умрнинг қори ҳам бордир.

Ерга қор қўнмоқда қачондан буён,  
Боқ, мана, ойнамга бир дона тушди.  
Неча кунлар қайтди орқага томон,  
Неча ойлар ўтди, йиллар ўтишди.

Урушда кўк ила ер кафан кийди.  
Ғамлар қопқаларни йиқитди шунда.  
Яхши эсимдадир, бир қиш кунийди,  
Бу қор сокин-сокин ёғарди унда.

Вокзал... Айрилиқнинг доғи ёмондир,  
Одамлар соатга боқарди унда.  
Бувим йиғлар эди, у қари кампир,  
Бу қор сокин-сокин ёғарди унда.

Тўхталиб олисга бир қиз қарарди,  
Ҳижрони қалбимни ёқарди унда.  
Ўтли кўз ёшлари мени қийнарди,  
Бу қор сокин-сокин ёғарди унда.

Паровоз чинқирди кейин оромсиз,  
Бу оддий сас эмас, ҳижрон сасийди.  
Узоқда йўқ бўлган оқ рўмолли қиз,  
Бамисли эриган қор донасийди.

Йиллар зафар билан буроқди-оқди.  
Мен кентга қайтганда навбаҳор эди.  
Фақат на севгилим қаршимга чиқди,  
Ва наки у қордан нишон бор эди.

Мен тушдим оловга, мен тушдим ўтга.  
Айландим: қолмади яқин-йироғи.  
Дедилар: қор каби эриб у қиз-да  
Оқмиш бошқа қалбга бир баҳор чоғи.

Ширин саси қолди неча саҳарда,  
Сўнди тонгда чиққан бир юлдуз каби.  
У эриб кетса-да хотираларда  
То ҳануз чақади мени муз каби.

Фикрлар айланар мисоли туман,  
Қор сса ғуссасиз, кадарсиз ёғар.  
Эшикда қор ёғар, қор ёғар ҳамон,  
Ёғар юрагимдан хабарсиз ёғар..





Кичкина кўйига<sup>1</sup>  
    сигишган онам,  
Бу улкан маъвога  
    сигиша олмас.  
Кичкина уйига  
    сигишган онам,  
Бу улкан бинога  
    сигиша олмас.  
Қовуша олмайди  
    сангин шаҳарга,  
Қуни ҳам, тунни ҳам  
    унга ҳеч ёқмас.  
Бу баланд, бу юксак  
    иморатларга  
Ёт каби қарайди,  
    ҳайрат-ла боқмас.  
Дейди гоҳо қишлоқ  
    тушиб эсига:  
— Бир кўрмоқ ўйида  
    келувдим, болам!  
Бир бола ишқи деб,  
    бола саси деб,  
Бир бола бўйи деб  
    келувдим, болам!  
Қушлар самоларсиз  
    яшолмагандай,

---

<sup>1</sup> Кўй — қишлоқ маъносида.

Балиқ дарёларсиз  
яшолмагандай,  
Мен ҳам яшолмасман  
тоғларсиз, болам!  
Кўҳна ҳам қадрдон  
чоғларсиз, болам!  
Соғинчдан юрагим  
урар бетоқат,  
Сиздан бир нарсани  
сўрайман фақат:  
Оёғим ўрганган  
ўтлоқни беринг,  
Сочларим ўрганган  
елларни беринг,  
Дудоғим ўрганган  
булоқни беринг.  
Нафасим ўрганган  
гулларни беринг.  
Яшнайверсин Боку  
умрбод, болам,  
Шуни талаб қилар  
бу ҳаёт, болам!  
Ўссин шаҳарлари,  
ўссин кентлари,  
Кўпайсин уйлари,  
ойнабандлари.  
Бироқ юраккинам  
ҳамон бетоқат,  
Сизлардан бир нарса  
сўрайман фақат:  
Тоғларда адашган  
кентимни беринг,  
Ҳашамсиз, безаксиз  
уйимни беринг,  
Илк ҳавас, аҳдимни,  
онтимни беринг,

Илк орзу, илк қўшиқ,  
    куйимни беринг.  
Хаёлин туманлар  
    ўраган онам,  
Булоқлар сувини  
    сўраган онам.  
Оёгин шудрингга  
    ювган онам-эй,  
Қушлар чаҳчаҳини  
    севган онам-эй,  
Бу азим шаҳарда  
    юрган маҳали  
Олисга жавдираб  
    қараган онам.  
Қадрдон қишлоғин  
    кўрган маҳали  
Баҳор чечагидай  
    яйраган онам!  
Улкан қирларини,  
    алп тоғларини  
Кўрганда булбулдай  
    сайраган онам!

## ИШЧИ ПОЕЗДЛАРИ

Ҳали саҳар кулмасдан,  
Уфқда тонг боқмасдан,  
Ҳали эллар, қишлоқлар  
Уйғонмасдан уйқудан,  
У қалқиб эл ўйида,  
Келиб секин, оҳиста  
Тўхтайти ўз жойида.  
Туман ювар юзини,  
Йўлга тикар кўзини.  
Вагонлари кимсасиз,  
Дўстлар, қани қайдасиз?  
Қаердасиз, мен тоқман,  
Йўлингизга муштоқман.  
Келинг, орзум гул очсин,  
Вагонларим дил очсин.  
Тўхтаб боқар йўлларда,  
Кўзида ҳасрат, кадар.  
Оқиб келар қўйнига  
Тонготарда ишчилар.  
Ғами шодликка дўнар,  
Поезд кулар, қувонар.  
Келар қўшиқ севарлар,  
Ишда моҳир-чеварлар,  
Қўллари қадоқлилар,  
Юраклари қайноқлар.  
Муҳандис, фаҳла<sup>1</sup> келар,

---

<sup>1</sup> Фаҳла — ишчи.

Бири ғамли, кадарли,  
Бири фараҳ-ла келар.  
Одам, ҳамма ёқ одам,  
Вагонлар тўла бу дам.  
Вагонлар қайнар, жўшар,  
Вагонларда ҳаёт бор.  
Уқиган ким, чалган ким,  
Уй-хаёлга толган ким.  
Бир қиз дугонасининг  
Бош қўйиб елкасига  
Уйқуга кетган яна.  
— Сокин бўлинг, одамлар,  
Ёнингизда ётган бор!

У қиз оқшом ёри-ла,  
Умрининг баҳори-ла,  
Илк учрашувга чиққан,  
Қадоқ қўлини сиққан.  
Тонггача қурган суҳбат,  
Шундайдир илк муҳаббат.  
Ухламабди гўзал ёр.  
— Сукут сақланг, одамлар,  
Ёнингизда ётган бор.

Бу ўғлон иш жойида  
Обрўли, виждонлидир.  
Бироқ бу саҳар нега  
Бунча ҳаяжонлидир?  
Мен биламан дардини,  
Билети йўқдир уни.  
Сорбон қиз суриштирар,  
Уялтирма, қўй уни.  
Кел, мен билет олай, кел,  
Сўз айтма, бироқ унга.  
Ҳадемай моторларни  
Ишлатганда боқ унга.

Тингла, эй кўзи қора,  
Кўп ўтмай домналарда  
Унинг манглай тери-ла,  
Қадоқли қўллари-ла,  
Бор давлат оқажакдир,  
Минг неъмат оқажакдир.  
Йўллар уйқисин бузиб  
Борар ишчи поезди.  
Ишчи — юртим виқори,  
Юракларнинг баҳори.  
Уз содда кийимидан  
Уялмас у ҳеч замон.  
Ифтихор билан ўтар  
Поездларнинг ёнидан.  
Тўғри, дўстлар, ҳамиша  
Кўрганда бу поездни,  
Истайманки ҳайқириб,  
Чорласам инсонларни.  
Келинг, ҳар куни поезднинг  
Иқболига чиқайлик.  
Ишчиларнинг ғурур-ла  
Қўлларини сиқайлик.  
Улар ўз юртимизнинг  
Фахридир, виқоридир.  
У ишчи поездидир,  
У ҳаёт қаторидир.

## У ПАЙТ ЗУВАЛАЙДИМ, ШЕЪР ЗУВАЛАСИ

Қишлоқда бир пайтлар  
шўх ушоқ эдим,  
Йўлларни чангитиб  
яйрадим роса.  
Кўзи очилмаган  
бўз булоқ эдим,  
Оқиб ўз-ўзимча  
яйрадим роса.  
Биров бир гап айтиб  
ғашимга тегса,  
Додини берардим  
гап билан роса.  
Қўшиғим сойлару  
шалола саси,  
Суронли йўлларим  
очилмаганди.  
Ҳали зувалайдим,  
шеър зуваласи,  
Бағримда гулларим  
очилмаганди.  
Ҳали улкан, масъул  
вазифалардан  
Полвон елкаларим  
босилмаганди.  
Симобга ўхшарди  
қайноқ тафаккур,  
На илм ёғарди  
шеърларимдан,

Бор эди чаман, чўл,  
булбул, чечак, нур,  
Қирларим, тоғларим  
шеърларимда.  
На космос, на инфаркт  
на тайёротун,  
На ракет бор эди  
шеърларимда.  
Ҳали муҳаббатим  
олдинда эди,  
Ҳали кин-нафратим  
олдинда эди.  
Ҳали тоза эди  
таржима-ҳолим,  
Умримнинг кунлари  
ҳисобсиз эди,  
Ҳали шон-шуҳратсиз  
шитобсиз эди.  
Содда одамларнинг  
биттаси эдим,  
Дўстларим ким ўзи —  
Ғарибоға, Одил.  
Дўстларим ким ўзи —  
Қулоға эди.  
Ёвларим ким ўзи —  
Мироға, Ҳоди.  
Соддалик ишимда,  
ҳаракатимда,  
Соддалик уйимнинг  
баракатида.  
Менга на хушомад  
қилар эдилар,  
На олқиш, мақтовга  
белар эдилар.  
«Яқиним» оз эди,  
«дўстим» оз эди.



Боридан ҳеч қачон  
айрилмас эдим.  
На менга сирларин  
сўзлар эдилар,  
На туриб йўлимни  
кўзлар эдилар.  
На имзом, на қўлим  
бор эди унда.  
На номим, на йўлим  
бор эди унда.  
Юракдан ёнса ҳам  
муҳаббатларим  
Кўплари кўрса ҳам  
кўрмасди асло.  
На қишлоғимизнинг  
саёқ итлари  
Қаршимда ҳеч қачон  
ҳурмасди асло.  
Шон-шуҳрат қалбимга  
ёт эди унда,  
Ет эди бу саслар  
қулоқларимга.  
Ҳаттоки итларнинг  
ёмони тунда  
Суйкалиб ётарди  
оёқларимга.  
Учоқда оловнинг  
яллиғи, нури,  
Оловга тикилиб  
уйга ботардим.  
Чиқардим кимсасиз  
далалар сари,  
Узоқ дайдиб, яна  
уйга қайтардим.  
Содда одамларнинг  
биттаси эдим.

Дўстларим ким ўзи —  
    Ғарибоға, Одил,  
Дўстларим ким ўзи —  
    Қулоға эди.  
Ёвларим ким ўзи —  
    Мироға, Ҳоди.  
Ёвларим ҳам оддий,  
    дўстларим оддий,  
Оддий одам эдим,  
    оддийдан оддий.

## ҲАМИДА ХОЛАНИНГ ХОТИРАСИГА

Сен сўнгги кўринмас  
                                    сафарга кетдинг,  
На эди бу сафар,  
                                    Ҳамида хола?!  
Гангратди, йиғлатди,  
                                    лол этди мени,  
Бу даҳшатли хабар,  
                                    Ҳамида хола!  
Шоир қардошимнинг  
                                    онаси эдинг,  
Эй, сийнаси дафтар,  
                                    Ҳамида хола!  
Умримнинг ёш чоғи  
                                    қаршимга чиқдинг,  
Чиқдинг юзикулар  
                                    Ҳамида хола!  
У вақт етти ухлаб  
                                    кормасди тушга:  
Наҳот она ўлар,  
                                    Ҳамида хола!  
Тобутинг остига  
                                    кирди ногаҳон  
Барча азадорлар,  
                                    Ҳамида хола!  
Сени узатдилар  
                                    совуқ мозорга  
Кўмишга қийдчилар,  
                                    Ҳамида хола!

Қайдан кела қолди  
буларнинг бари  
Шунча тобуткашлар,  
Ҳамида хола!  
Неча бор устингга  
ётқиздилар тош,  
Бу тош юраклилар,  
Ҳамида хола!  
Энди тупроқларга  
қоришиб кетдинг,  
Бир вақт жияси-башар —  
Ҳамида хола!



Қатрон каби қора сочлар  
                                оқармиш тамом,  
Юзи-кўзи тириш-тириш,  
                                ҳоли абгордир.  
Ён томондан диққат этиб  
                                қараган замон,  
Биласанки, кекса эмас,  
                                оз ёши бордир.

Йиллармидир сочларида  
                                қиров индирган,  
Йўқ, оқ сочлар ғам-ғуссадир,  
                                боқар бошидан.  
Нохуш хабар келди бир кун  
                                ёлғиз ўғлидан,  
Уша замон айри тушди  
                                жувон ёшидан.

Гоҳ тўрт девор исканжадек  
                                сиққанди уни  
Келиб менга ҳазин-ҳазин  
                                қилар шикоят:  
«Мен урушга ўғил бердим  
                                бўйли-бўғинли,  
Йил ҳам ўтмай дабдурустдан  
                                келди қорахат».  
Юрагига кимдир агар  
                                етказса озор,

Дейди:— Яхши, Ҳусайн келар,  
кўрсатар сенга!  
Кунлар ўтар, ойлар ўтар  
тунлари бедор,  
Ҳусайн эса ҳамон қайтмас  
кетганча жангга.

Толиб чуқур хаёлларга  
ўйланар она,  
Келиб қолар деган фикр  
чиқмас кўнглидан.  
Балки қора совуқ теккан  
поездда унга,  
Тушиб қолиб адашгандир  
балки йўлидан.  
Бизга кирар ўғлин қаттиқ  
соғинганида  
Менга боқса хира кўзи  
бирдан ярқирар;  
— Бўтам, менинг Ҳусайнимга  
ўхшайсан жуда...  
Баъзан шошиб мени Ҳусайн  
деб ҳам чақирар.

Вой бир куни ғариб одам  
келди районга  
Хаёллари чақнаб кетди  
янги пайғом-ла.  
Балки анов фарзандидир,  
термилар унга.  
Фурсат топиб кўришай дер  
ўшал одам-ла.

Йиллар кечар, ойлар ўтар  
байрамли-тўйли,

Кўнглим доим бир фарёдни  
такрорлар фақат:  
«Мен урушга ўғил бердим  
бўгинли-бўйли,  
Йил ҳам ўтмай дабдурустдан  
келди қорахат...

## ТОВШИМ ҚОЛДИ ГЕРМАНИЯДА

### I

Сайёҳ эдим...

Бир ой юрдим

Германияда.

Шеър ўқидим ўша ерда  
урушга қарши!

Эфирларда сасим қолди,  
Қишлоқларда шаҳарларда  
Урмонларда, адирларда сасим қолди.

Элдан элга ўтар у сас,  
У ерларда ҳалок бўлган  
Бўз ўғлонлар қабрларин  
Ўлар у сас.

Ҳа, қуёшли шеър ўқидим  
Ёниб ҳасрат ўчоғида.

Оқшом отель қучоғида  
Ётоғимда кўзларимга  
Уйқу инар экан жиндак  
Ногаҳоний кўриндилар  
Ўша-ўша бўз ўғлонлар.

Отларини атадилар:

Мен Исломман, мен Гуломман,  
Мен Ҳасанман, мен Уғузман!

Боқишлари ваҳимали,  
Уст-бошлари жулдур-жулдур.

Бири қондир юрак-бағри,  
Бири боқар мўлдир-мўлдир.

Она сўзи — нидосида,

Отасини эслар бири.



Бирин қаттиқ садосида:  
Салом, салом, озар ўғли!

## II

Мен ёш эдим, норғул бўйли,  
Энди бўлса бир ҳовуч кул!  
Уйга толдим шунда буткул:  
— Тўхта,— дедим,— эшит мени,  
Ерда юрган соғ одамни...  
Қайга боқсам, кўрдим, бизнинг  
                            ўғилларнинг ичидаман,  
Хаёлимда афсоналар,  
                            нақлларнинг ичидаман.  
— Эй ватандош, мен зафарни кўрган  
                            кунда  
                            урилганман.  
Рейхстагга чиққан онда  
                            урилганман.  
Мен сўйлайин, тингла жигар,  
Мен онамнинг ёлғизийдим.  
Сен ватанга етсанг агар,  
Олиб кетгин ёлғиз сўзим:  
Унга еткур саломимни,  
Соғинч тўла каломимни.  
Қаердаки бир яримжон  
                            она кўрсанг,  
                            билки, менинг  
                            онамдир у.  
Қаердаки дарди уммон  
                            она кўрсанг,  
                            билки, менинг  
                            онамдир у!  
Набирасиз, келинга зор  
                            она кўрсанг,

билки, менинг  
онамдир у.  
Соқлари оқ, бир муштипар  
она кўрсанг,  
билки, менинг  
онамдир у!  
Овунмаган, таянмаган  
она кўрсанг,  
билки, менинг  
онамдир у.  
Фарзанднинг ўлимига инонмаган  
она кўрсанг,  
билки, менинг  
онамдир у!..

### III

Сўрдим:— Қайдан билдингиз сиз  
мени бунда?  
— Билдик,— деди ҳаммалари  
бирдан шунда:  
— Шоир ўртоқ,  
Озарбайжон тилинг бўлди  
гувоҳимиз,  
Ширин тилинг, шеъринг ўзи  
бўлди бирдан дилхоҳимиз.  
Биз ҳаммамиз  
Абадият манзилига  
Яқинлашган одамлармиз.  
Афсонага айланганмиз,  
Ривоятга айланганмиз.  
Бир вақт келди бу ерларга  
Самад Вурғун  
Эндигина тугаганда  
уруш қурғур.  
Жангимиздан, ҳамламиздан

Остин-устин эди ерлар.  
Ҳарсилларди, безовтайди,  
Ҳали тутун эди ерлар.  
Самадни ҳам кўрдик у вақт,  
Самаднинг ҳам тушларига кирдик у вақт.  
Азиз шоир, биз мангумиз, келажакмиз,  
Яхшиларнинг тушларига киражакмиз.  
Кимки агар ўлмаган, деб билса бизни,  
Қаро ерга кирмаган, деб билса бизни,  
Озарбайжон тупроғидан  
бир кафтгина

Келтирсину  
тўксин бизнинг қабримизга,  
Бизнинг она тилимизда  
қўшиқ тўксин,  
шеър тўксин,  
кўзёш тўксин  
чидам билан сабримизга!

Азиз шоир,  
Биз у замон хаёл бўлиб кўринамиз,  
Азиз шоир,  
Биз у замон тириламиз!



Аэроплан қандай учди,  
билмадим,  
Осмон қуюқ туман эди  
у куни!  
Эс-хушли бўл, кўчалардан  
ўтганда,  
Ҳар қадамда мошин бормиш  
у ерда.  
Тузу емак обкетмадинг  
кетганда,  
Қўрқаманки, ёт элларда  
на ерсан?

Чой-нонини ким келтирар  
ўғлимга,  
Германларнинг борми сути,  
қаймоғи?  
Урганганди чучварамга,  
довғамга<sup>1</sup>  
Ҳар емакни хушламасди  
у ахир?!  
Уйлаб кўргин сафарингни деб эдим  
Гитлер-митлер ташланса-я  
устига!  
Кулди мендан сочи оппоқ  
аллаким  
Ҳам кўз қисди ёнидаги  
дўстига.  
У манзилда кимлар кутиб  
олар шаън,  
Тани-жони гар оғриса  
не бўлар?  
Усти очиқ қолмадими —  
ухларкан —

---

<sup>1</sup> Д о в ғ а — сутли таом.

Деразаси очик қолса  
не бўлар?  
Минг-минг ётлар орасида,  
эй она!  
Сени туриб хотирладим,  
эй она!  
Меңсиз қалбинг оловланар,  
тўлганар  
Кўз бўлиб у мени  
кузатар яна.  
Маним била умри, куни  
хуш бўлган,  
Меңсиз нони бўғизида  
тош бўлган,  
Ҳар шеъримнинг қофияси,  
ҳижоси,  
Уч ўғлимнинг яғонаси,  
яктоси,  
Уч ўғлимнинг оппоқ сочли  
чўпони,  
Уч ўғлимнинг бели букук  
жаҳони,  
Меңсиз чашми гирён бўлган  
онамсан!  
Маним ила хушвақт бўлган онамсан!..

## МАРКС МОЗОРИНИ ЭСЛАЙМАН ДОИМ

Лондон номин эшитмайин қаерда, қачон  
Мен Маркснинг мозорини ёдга олгайман.  
Мангу ўлмас, мангу сўлмас ҳақиқатсимон  
Мен Маркснинг мозорини ёдга олгайман.  
Лондон... кўҳна бир қабристон хотирга тушар,  
Хотиралар қанотида йўллар ўтурман.  
У мозорда бўлганим он хотирга тушар,  
Ўша мазор қаршисида тошдай қотурман.  
Уни кунда, уни кунда ёдга олгайман,  
Бор эканман, бу очунда ёдга олгайман.

На шаҳарнинг кўз тиндирган рекламасини,  
На ҳокимлар нутқларию ғалат сасини,  
На минг карра эшитганим бой саройларин,  
На-да, икки қаватли у трамвайларин,  
На сенатга кирганларнинг рутбаларини,  
На-да, сотқин Кузнецовнинг фитнесларини,  
На ҳайдалган Солженицин бўҳтонларини,  
На-да, тунги у барларнинг меҳмонларини,  
На ясама ҳурматлару эҳтиромларни  
На асфальтга расм чизган у рассомларни,  
На пул учун вужудини сотган қизларни,  
На найранг-ла юзимизга кулган юзларни,  
На-да, баъзи мурдорларнинг бизга қадалган  
Кескин, совуқ назарини ёдга олгайман;  
Лондон номин эшитмайин қаердаки ман  
Улуғ Маркс мозорини ёдга олгайман.  
Наки олди-қочди кино, театрларни,

На кўчада томоқ йиртган ораторларни,  
На Лондоннинг моғор босган шон-шавкатини,  
На ҳозирги саробланган муҳаббатини,  
На-да, совуқ ҳам такаббур одамларини,  
На ит ила умр кўрган мадамларини,  
Ҳурматларнинг на рост, на-да, насяларини,  
На-да, соат, кунлаб туриб бекорчи сафда  
Қиролича саройини тўртта тарафдан  
Қўриқлаган отлиқларнинг низоларини,  
На кексайган хонимлару на ледиларнинг  
Барбод бўлган виқорини ёдга олгайман;  
Бирон ерда Лондон сўзин, оҳ, дедиларми,  
Мен Маркснинг мазорини ёдга олгайман.

\* \* \*

На шаҳарнинг туман босган гумбазларини,  
На ла-Маншнинг катта-кичик кўрфазларини,  
На фракли киборларни, на-да, сэрларни,  
На бу ёққа қочиб келган сўл эсерларни,  
На лордларнинг бўшаб қолган ҳамёнларини,  
На-да, ўлган қиролларнинг давронларини,  
На худога кеча-кундуз боққан умидвор  
Ридо кийган диндорларнинг узун ортини,  
На Тауэр<sup>1</sup> саройида сақланган ҳушёр  
Ер шарининг энг баҳосиз бриллиантини,  
На Би-би-си радиосин тухмат сасини,  
На сиёсат бозорини ёдга олгайман:  
Дунёмизнинг энг қудратли обидасини —  
Карл Маркс мазорини ёдга олгайман.

---

<sup>1</sup> Лондоннинг қадимий Тауэр саройида дунёнинг энг катта ва энг қимматбаҳо бриллианти сақланади.



## АНГЛИЯ, КУЗГА КИЧИК КҮРИНДИНГ

Арз-самони бир вақт қўлда ушлаган  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Бир замонлар тил-оғиздан тушмаган  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Сатҳ жиҳатдан, тўғри, катта эрурсан  
Ҳам қадимги ўлкалардан бўлурсан.  
Урмонларинг нигоҳимни тортдилар,  
Саҳроларинг юрган сарим ортдилар.  
Тоғлар ошиб, чўллар ошиб айландим,  
Катта-кичик йўллар ошиб айландим.  
Тунми-кунми тинсиз юрдим, мана, кўп,  
Кўролмаган ерим қолди яна кўп.  
Бу тупроғинг чек-сарҳадсиз кўринди,  
Одамларинг сонсиз-ҳадсиз кўринди.  
Чўққиларда оппоқ қорлар чорлади,  
Ливерпулинг, Манчестринг порлади,  
Хўп кўрсатдинг бизга бўю бастингни,  
Кўз-кўз қилдинг баландингни-пастингни.  
Киборлигинг кўрсатишга тиришдинг,  
Оҳангларинг бир-бирига қоришди,  
Минг безагу рекламага бурилдинг,  
Бироқ менга яна кичик кўриндинг.  
Сатҳ жиҳатдан, тўғри, катта эрурсан,  
Ҳам қадимги диёрлардан бўлурсан.  
Бир вақт сонсиз диёрларни талаган  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Миллатларни қарамликка йўллаган  
Англия, менга кичик кўриндинг.

Асоратдан зор йиғлаган бу осмон  
Кўз ёшини мисли селдек ёғдирган.  
Бу дунёни қилган нимта ҳам вайрон  
Тишларингни синдиришга шай турган —  
Талай юртлар халос бўлди бош қўшиб  
Талончию ҳокимларинг қўлидан.  
Сен генерал эдинг гўё беқўшин,  
Иш чиқмади найрангларинг тўридан.  
Бу дунёнинг устуниман десанг ҳам,  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Десанг ҳамки буюкману мустаҳкам,  
Англия, менга кичик кўриндинг.

Кекса Лондон минг-минг рангда олди кўз,  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Музейларинг ўтмишингдан очди сўз,  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Унутилган шон-шавкатинг бир хаёл,  
Сен турурсан ўйлар ичра фарқу лол.  
«Озодлик»дан дам урардинг басма-бас,  
Назаримда ўша диёр сен эмас.  
Ўзгаларнинг ҳисобига семирган,  
Ўзгаларнинг улушини кемирган.  
Ўзгаларнинг чодирини ёпинган,  
Ўзгаларнинг шуҳратига «топинган».  
Ўзгаларнинг тупроғини йўл қилган.  
Ўзгаларнинг қўшиғини қул қилган.  
Ўзгаларнинг ўчоғини ўчирган,  
Ўзгаларнинг байроғини туширган,  
Ҳирож олган тирикдану ўликдан —  
Маъ-маъ деган Англия эмассан,  
Қанча-қанча миллат еган, тил ютган  
Ариллаган Англия эмассан.

Бу кунингни, бу ҳолингни кўрганда,  
Маъюс, мискин аҳволингни кўрганда

Мен замоннинг ихтиросин ўйладям,  
Фотиҳларнинг интиҳосин ўйладим.  
Боқдим сенга кўкдан, сувдан, қуруқдан,  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Ҳарчанд дема қудратлиман, улуғман,  
Англия, менга кичик кўриндинг.  
Сатҳ жиҳатдан, тўғри, катта эрурсан,  
Ҳам қадимги ўлкалардан бўлурсан.

## ШЕКСПИРНИНГ УИИДА

Қасрларда кўрар эдим унинг номин эслаган он,  
Парламентдан каттароқ деб ҳисоблардим ахир уйин.  
Оддийгина бир хонада қалам сурмиш талай замон  
Башар севган, азизлаган бир аллома умр бўйи.

Уйлардимки, у бадавлат, катта мулкли, ерли бўлган,  
Бунга келган меҳмонларга ажратган у талай жойлар.  
Деворлари нақшиндору зарҳал билан хўп йўғрилган,  
Фақат ёзув ашғолларин талай майдон, уйга жойлар.

Уйлардимки, масрур яшар ҳаёт ишқи, тоти билан,  
Кунни ўтар мажлисларда, эртақларда, сеҳрларда.  
Қанча-қанча киборона унвон топар оти билан,  
Қурар яна талай қаср, ёзар-чизар қасрларда.

Стретфорд шаҳарида, унинг она уйидаман...  
Айланаман тўда-тўда одамларнинг орасида.  
Кўп ғаройиб фикрларнинг, хаёлларнинг қўлидаман,  
Ҳайрат билан сайр қиламан мўъжазгина хонасида.

— Биттагина хонамиди?— бошловчидан сўрашади,  
— Биттагина,— жавоб берар меҳмонларга кулиб бир оз:  
— Беркитиб денг, нима қилдим, гоҳ инонмай қарашади,  
Бу хона ҳам аслида-чи отасидан эди мерос.

Бир хонада кун кечирмиш ўғли билан, қизи билан,  
Бир хонага сиғдирибди макбетларни, ҳамлетларни.  
Кўкка боқмиш бу кичкина деразанинг кўзларидан,  
Шунда ёзмиш Ер юзига сиғмаган бу ҳикматларни.

Бир хонада яшаб ўтган шундай буюк бир санъаткор,  
Ҳа, зиёрат қилганимиз мўъжазгина шу хонада.  
Шипи оддий, девори ҳам оддийгина, бўлак не бор?  
Балки ўзи бир мартаям ўйланмаган бу борада.

У халқ билан бир қаторда яшамоқни афзал билган,  
Эл қалбига маконини қура олди сарой этиб.  
Умр бўйи у эҳтимол хаёлига келтирмаган —  
Ўйламаган ижод учун танглигини шароити.

Шароиту молу давлат, безак-амал кимга керак,  
Санъаткорга қалам беринг, қоғоз беринг, имкон беринг.  
Зиндонларнинг қаърида ҳам қўшиқларни битар бешак,  
Оғир кунда бироқ унга умид беринг, илҳом беринг.

Нега доврўғ, нечун шуҳрат?

Шекспир-ку, ўзи билан  
Англияни машҳур қилиб, шу юрт рамзи, кўрки бўлди.  
У иккинчи Англияни яратолди сўзи билан  
Ҳам ўлкасин оғушида иккинчи бир ўлка бўлди.  
Шекспирнинг уйидаман, гоҳ совқотиб, гоҳ ёнаман,  
Юрагимда шеър ишқи, ёзмоқ фикри, илҳом дарди.  
Мен бу санъат даргоҳида ўз-ўзимдан уяламан,  
Худо ҳақи, шундай жойда ишласак кўп наф етарди.

У кичкина шу хонадан еру кўкка ларза солди,  
Шекспирнинг уйидаман, гоҳ совқотиб, гоҳ ёнаман.  
У қалбларни, диёрларни сўзи билан забт этолди.  
Шекспирнинг хонасида ўз-ўзимдан уяламан.

Ҳашаматли жойимиз бор... қанча қулфу қанча калит,  
Дам олажак уйларимиз тўлқин ўпган соҳилларда.  
Машинамиз қўша-қўша, китобимиз бир қанча жилд,  
Имзомизга дуч келамиз куни бўйи неча дафъа;  
Фақат унинг даҳосига яқинлашиб боролмабмиз,  
Унинг санъат дунёсига яқинлашиб боролмабмиз.

Ёзганимиз эрур лак-лак, тўда-тўда, даста-даста,  
Саводимиз, лаёқату идрокимиз, камолимиз —  
Муҳрланган қатор-қатор васиқалар киссамизда,  
Кўксимизда талай-талай орденимиз, нишонимиз;  
Фақат унинг даҳосига яқинлашиб боролмабмиз,  
Унинг санъат дунёсига яқинлашиб боролмабмиз.

Йўлимиздан олингандир ҳамма чеку ҳамма ҳадлар,  
Китобларга кириш учун мунтазир не қаҳрамонлар!  
Бизлар учун ажратилган, эҳ-ҳе, не-не иморатлар,  
Қанча-қанча фахрий жойлар, фахрий отлар, хиёбонлар.  
Фақат унинг даҳосига яқинлашиб боролмабмиз,  
Унинг санъат дунёсига яқинлашиб боролмабмиз.

Шекспирнинг мўъжаз уйи! Унутмасман бу онларни,  
Юрагимда шеър ишқи, ёзмоқ фикри, илҳом дарди.  
Менга қолса, куррадаги ҳамма ёзган-чизганларни  
Ибрат учун санъатнинг бу маъбадига жўнатардим.

## ЛОНДОННИНГ ҒАРОЙИБ БОЗОРИ

Бугун бўлдим Лондон шаҳрин  
                                бир ғаройиб бозорида.  
Вужудимда газабдан қон  
                                қотган каби назаримда.  
Оз бўлмаса бу бозорда  
                                битар эди асабларим;  
Санъаткорлар йўлда ёзиб  
                                сотар эди асарларин.  
Йўлкаларга юздан ортиқ  
                                расмларни ёйиб, мана,  
Эгалари жавдирашар, ким ошар деб нархда яна.  
Баъзилари асарини кўкрагига осиб ўтар,  
Харидорлар бу бозордан нохуш қадам босиб ўтар.  
Лондон шундай рутубатли,  
                                сим-сим қилиб ёмғир ёғар,  
Бир ғаройиб бозорки бу,  
                                рассом эрур ҳар савдогар.  
Бир ғаройиб бозорки бу,  
                                санъат қайда, бозор қайда.  
Расмларни кўрардик-ку,  
                                кўргазмаю саройларда.  
Энг муқаддас туйғуларга,  
                                хаёлларга тўқинардик,  
Санъаткорга ҳам санъатга  
                                эзгу билиб топинардик.  
Қандай қизиқ бозорки бу,  
                                тутаб ёнар юрак-танним,

Наҳот, бу ер Байрон юрти  
   ё Шекспир эл-ватани?!  
 Наҳот, шу ер қанча-қанча  
   даҳоларнинг жон маскани?!  
 Бозорнинг қоқ ўртасида  
   ҳайкал каби қотган эдим,  
 Кўнглим маҳзун, бир ғалати  
   ҳасрат, ғамга ботган эдим.  
 Менга томон югуришар, ўраб, қўймай ўз ҳолимга,  
 Суратларни бирин-кетин ёзишарди тез пойимга.  
 Лондондаги сурат бозор —  
 Лондондаги сурат мазор...  
 Тоғ сотар бор, қир сотар бор,  
 Яланғоч қиз, эр сотар бор,  
 Сочи узун кекса рассом бор нарсасин  
 Асфальт йўлга тизиб сотар.  
 Ётган тарзда севгилисин суратини  
   бошқа бири чизиб сотар.  
 Бир рассом қиз турар эди  
   асарининг сўл ёғида,  
 Ҳайрат ўйнар кўзларида,  
   кинояли бир жилмайиш дудоғида.  
 Қарашидан, биласанки,  
   бу сурати зўр асардир,  
 Аввал чизган ишларидан  
   бу мумтоздир, бу гўзалдир.  
 Суратлар бор катта-катта,  
   истасанг кел, ёт, устида,  
 Бир суратда қиролича  
   ўтирибди от устида.  
 Бунда кўҳна араваю машинага,  
   қадим ғорлар тошига ҳам  
   дуч келасиз.  
 Пеленинг ўнг оёғию  
   қиролларнинг бошига ҳам  
   дуч келасиз.



**Асарининг тепасида**

мудроқ босиб ётган ҳам бор,

Шекспиру лорд Байронни сотган ҳам бор.

Лондондаги сурат бозор —

Лондондаги сурат мозор...

Бу манзара олди ҳушни,

нега йўлим тушди бу ён?!

Санъат ахир сотилишин

кўрмас эдим бунча арзон!

Айланаман бу суратлар бозорида,

айланаман,

Гўё юзлаб санъаткорнинг мозорида

айланаман.

Паришонман ҳам дилхира,

Сиголмайман бу бозорга,

Тикиламан бир харидор келарми деб йўл пойлаган,

Пул пойлаган рассомларга.

## ҒАРИБЛИК

Ўз хоҳишим билан ўзга юртларда бўлдим.  
Мени паққос кутиб олди ёлғизлик.  
Дўстларим кулганда ноилож мен ҳам кулдим,  
Кулдим, гўё кулиб қолди ёлғизлик!  
Чиройли патнис тутиб, у ерда бир аёл  
Менга нону туз эмас, тутди ёлғизлик.  
Ўғлимга ўхшаган болада эди хаёл,  
У ҳам ёнгинамдан ўтди... ёлғизлик...  
—Ўғлим!— деб ёнгинамга келар эди бир кампир,  
Аmmo овозидан туйдим ёлғизлик.  
Шаҳар гавжум эди жуда, мен эсам — танҳо, бир.  
Қайгаки қадамим қўйдим, ёлғизлик.  
Тоғларда ҳам бўлдим, кездим ҳатто водийда,  
Тоғда ҳам водийда — фақат ёлғизлик.  
Ер ҳам танҳо эди, кўк ҳам ёлғиз дийда,  
Осмон, Ер ораси — фақат ёлғизлик.  
Тош ҳам бағир иситади десалар — ёлгон.  
Унда тош — бағри тош жуда... ёлғизлик...  
Бошимда ўлимдай гир айланади нолон,  
Кўрмаганим биргина уйқудаги ёлғизлик!

## МЕН УЧУН

*Шеър чет элда мен билан бирга одим-  
лаган дўстим Яхё Маммедовга мурожаат  
тарзида ёзилгандир.*

Сен бусиз ҳам азиз эдинг ёт элда,  
Энг қимматли бир инсонсан мен учун.  
Сен бусиз ҳам тенгсиз эдинг ёт элда,  
Она қишлоқ осмонисан мен учун.

Бу ғурбатда миллионларнинг ичида  
Чироғимсан туманларнинг ичида,  
Орзуларнинг, гумонларнинг ичида  
Сен ягона бир гумонсан мен учун.

Бу ҳасратдан кучдан қолди билагим,  
Бир қўшиқ айт, эвоҳ, ёнар юрагим,  
Уммонлардан сакрагим бор, сакрагим,  
Бир тадбир топ, бўлсин осон мен учун.

Тупроғимнинг тиконига қурбонман,  
Энг кераксиз инсонига қурбонман,  
Қуёшига, туманига қурбонман,  
Коиотдир Озарбайжон мен учун.

Сенсан шеърим, сенсан тилим ёт элда,  
Шундай кулки, кулсин дилим ёт элда,  
Агар келса ғофил ўлим ёт элда  
Биргина сен ёнма-ёнсан мен учун.

Юрагимдир яшириқча йиғлаган,  
Бу Лондонда сенсан мени сақлаган,

Сенсан мени еру кўкка боғлаган,  
Ҳам маслаксан, ҳам ишончсан мен учун.

Узоқ кетма, мен-ла юргин ёнма-ён,  
Ғарибликда менга азиз сендай жон,  
Фамилиянг, отинг билан сен бу он  
Ватан отли бир имонсан мен учун.

## МУНДАРИЖА

Жобир Наврўз. Ассалом, ўзбек дўстларим . . . . .	5
Бир орзуйим бор. Рамз Бобожон таржимаси . .	9
Менинг наслим. Сайёр таржимаси . . . . .	11
Маролкўл сукути. Маъруф Жалил таржимаси .	13
Алиштирганман. Миразиз Аъзам таржимаси . .	15
Она қишлоғим. Миразиз Аъзам таржимаси . . .	17
Қуёш тутилган кундаги ўйлар. Миразиз Аъзам таржимаси . . . . .	19
Ешлигим. Миразиз Аъзам таржимаси . . . . .	22
Ишона олмайман. Миразиз Аъзам таржимаси .	24
Тирикликда қадрлангиз одамларни. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	26
Москва қасидаси. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	28
Шеърларимга тақриз. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	32
Дўстларим бор. Нормурод Нарзуллаев таржимаси	35
Яхшилик. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . .	38
Соҳиллар ва кексалар. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	40
Умрим билан суҳбат. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	42
Тили чиққан бола. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	44
Пушкин қабри устидаги ўйлар. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	46
Шошилинг, одамлар, ошиқинг, одамлар. Нормурод Нарзуллаев таржимаси . . . . .	48
Оналар музейини яратамиз, келинг. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	50
«Биламан, у мени ўйлар шу дамда». Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	54
Мен истардимки. Жуманиёз Жабборов таржимаси	57

Сурат. Жуманиёз Жабборов таржимаси . . . . .	60
Бир дунём бор. Нормурод Нарзуллаев таржимаси	64
Шиорларга қўшинг бир шиор. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	68
Тоғларга чиққанда. Раззоқ Абдурашид таржимаси	71
Гўёки. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	74
Сен келганда. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . .	76
Бизнинг аср. Шавкат Раҳмон таржимаси . . . .	81
Ўлмас шеърларим. Шавкат Раҳмон таржимаси . . .	85
Эътироф. Шавкат Раҳмон таржимаси . . . . .	89
Бобо юртим. Шавкат Раҳмон таржимаси . . . . .	92
Ҳаёт туҳфалари. Шавкат Раҳмон таржимаси . . .	96
Онам Қизилгулга. Асқар Қосим таржимаси . . . .	100
Қор ёғар. Асқар Қосим таржимаси . . . . .	102
«Кичкина кўйига сиғишган онам». Шавкат Раҳмон таржимаси . . . . .	105
Ишчи поездлари. Маъруф Жалил таржимаси . . .	108
У пайт зувалайдим, шеър зуваласи. Шавкат Раҳмон таржимаси . . . . .	111
Ҳамида холанинг хотирасига. Асқар Қосим таржимаси . . . . .	115
«Қатрон каби қора сочлар». Асқар Қосим таржимаси . . . . .	117
Товшим қолди Германияда. Туроб Тўла таржимаси	120
«Ғарбий Берлин... Бир муסיқа салони». Асқар Қосим таржимаси . . . . .	124
Маркс мазорини эслайман доим. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	127
Англия, кўзга кичик кўриндинг. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	129
Шекспирнинг уйида. Раззоқ Абдурашид таржимаси	132
Лондоннинг ғаройиб бозори. Раззоқ Абдурашид таржимаси . . . . .	135
Ғариблик. Сайёр таржимаси . . . . .	138
Мен учун. Миразиз Аъзам таржимаси . . . . .	139

На узбекском языке

**Джабир Навруз**

(Наврузов Джабир Мирзабек оглы)

У МЕНЯ СВОЙ МИР

С Т И Х И

*Перевод с издания «Инсон гимнлари»  
издательства «Язычы», Баку, 1978*

Редактор **М. Аъзам**

Рассом **А. Бобров**

Расмлар редактори **И. Кириакиди**

Техн. редактор **Е. Потапова**

Корректор **М. Абдусаломова**

ИБ № 1231

Босмахонага берилди 23.07.79. Босишга рухсат этилди 05.04.79. Формати 70×90<sup>1/32</sup>. Босма л. 4.5. Шартли босма л. 5.26. Нашр л. 5.16. Тиражи 5000. Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 233-78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида №1 қорозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1979 йил. Заказ 1224. Баҳоси 85 т.

Наврўз Жобир.

Ўз дунём бор: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 С.—144 б.

Жобир Наврўз — Озарбайжон адабиётига 1950-йилларнинг ўрталарида кириб келган таниқли шоирдир. Унинг «Менинг мақомларим», «Йиллар ҳаёти», «Бизнинг аср», «Оддий ҳақиқатлар», «Толенинг туҳфалари», «Ўз дунём бор», «Инсон гимнлари» сингари ўнлаб шеърӣ тўпламлари босилиб чиққан. 1970 йилда «Оддий ҳақиқатлар» китоби республика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлган. Унинг асарлари рус тилига ва СССР халқлари тилларига таржима қилинган, чет элда ҳам нашр этилган.

Шоирнинг ўзбек тилида биринчи марта нашр этилаётган ушбу тўпламига кирган шеърларни Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Ж. Жабборов, Н. Нарзуллаев каби қатор таниқли шоирлар таржима қилган.

Бу тўпламни ўзбек китобхонлари учун шоирнинг ўзи саралади.

Навруз Джабир. У меня свой мир. Стихи.

С (Азарб.)

Ж  $\frac{70403-189}{352(06)-P}$  P-79